

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Кўлёзма ҳуқуқида
УДК*

Абдурахмонов Обиджон Абдуганиевич

**«Ғазначилик шароитида бюджет ташкилотларида харажатлар
ҳисоби ва ички назоратини такомиллаштириш»**

5A230902 – «Аудит» (тармоқлар бўйича)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Тошкент – 2014

Магистрлик диссертацияси ғазначилик шароитида бюджет ташкилотларида харажатлар ҳисоби ва ички назоратини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Унда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, дастлабки ва аналитик ҳисобини юритиш, контракт маблағлари ва ривожлантириш жамғармаси харажатларини ҳисобга олиш, молиявий назоратни амалга ошириш, хусусан ички назоратни ташкил этиш, бюджетдан ташқари маблағлар ички назоратини ташкиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Master's thesis is devoted to the improvement of accounting and internal control expenditures in government organizations in terms of the treasury. The paper discusses the organization of accounting, maintenance of primary and consolidation, especially taking into account contractual, extra-budgetary funds of the fund development and use. In addition, highlights the organization of financial control, in particular the internal control extrabudgetary funds and other operations budget organizations.

Магистрлик диссертацияси «Иқтисодий таҳлил ва аудит кафедраси»да дастлабки ҳимоядан ўтган. _____-сонли баённома. «___» _____ 2014 йил

Илмий раҳбар: и.ф.д.,проф.Хошимов А.А. _____
имзо сана

Магистратура талабаси: Абдурахмонов О.А. _____
имзо сана

«Ҳимояга тавсия қилинади»

«Иқтисодий таҳлил ва аудит кафедраси» мудири,
проф.Хасанов Б.А. _____ «___» _____ 2014 йил

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	4
I БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИЧКИ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ҲАМДА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	11
1.1. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда харажатлар ҳисобининг зарурияти, аҳамияти ва ташкил этишнинг хусусиятлари.....	11
1.2. Бюджет ташкилотларида харажатлар ҳисоби ва ички назоратининг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истикболлар...	21
I боб бўйича хулоса	
II БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	28
2.1. Таълим муассасаларида бюджетдан молиялаштириладиган смета харажатлари ижросининг дастлабки ва аналитик ҳисобини такомиллаштириш.....	28
2.2. Олий таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларининг ҳисоби.....	42
2.3. Олий таълим муассасаларининг ривожлантириш жамғармаси харажатлари ҳисоби.....	50
II боб бўйича хулоса	
III БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ	58
3.1. Олий таълим ташкилотлари харажатлари ижроси назоратининг ахборот базасини такомиллаштириш	58
3.2. Олий таълимда бюджет маблағлари ички назоратини мукаммаллаштириш йўллари	64
3.3. Бюджетдан ташқари маблағлар ички назоратини ривожлантириш	72
III боб бўйича хулоса	
Хулоса	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели Президент И.А.Каримов томонидан илгари сурилган тамойиллар асосида босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида эришилаётган юксак натижалар, айтиш лозимки, мажбурий 12 йиллик таълим тизими ҳаётга тадбиқ этилиши бу борадаги ривожланишда муҳим омил бўлди. Зотан, шу асосда ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, соғлом ва интеллектуал жиҳатдан юксак салоҳиятли қилиб камол топтириш механизми шакллантирилди. Бунда мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий негиз, жумладан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури салмоқли роль ўйнади. Бу ўз навбатида иқтисодиётнинг реал тармоқлари ва соҳалари талаб қилаётган сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга катта вазифаларни қўяди.

Президентимиз ўз маърузаларида таъкидлаганларидек: «Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди».¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”²ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини

¹ “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.-Т.: «Халқ сўзи», 2014 йил 18 январь, № 13(5943)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги ПК-1533-сон қарори. <http://www.press-service.uz/>

ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.³

Ҳукумат Қарорига мувофиқ, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011- 2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Маблағларни жамлаш ва дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида ўтган йили махсус жамғарма ташкил этилди ва унинг маблағлари ҳисобидан 2011 йилда, бир йилга мўлжалланган 39 миллиард сўмдан ортиқ тадбирлар молиялаштирилди.⁴

Республикамиз таълим тизимида кирувчи олий таълимда ҳозирги кунда жами 59 олий ўқув юртлари, шу жумладан, хорижий олий ўқув юртларининг 6 филиали фаолият кўрсатиб келмоқда. Олий таълимнинг 165та бакалавриат таълим йўналишлари ва 447 та магистратура мутахассислиги бўйича давлат таълим стандартлари жорий этилиб, халқаро стандартлар асосида юксак малакали кадрлар тайёрланмоқда⁵.

Жаҳон амалиётида таълим соҳасида бозор муносабатларининг ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу ўз навбатида, олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашни ва пуллик таълим хизматларини ривожлантиришни тақозо этади.

Бозор муносабатларини чуқурлаштириш шароитида бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминланишини яхшилаш, бюджет даромадларини кўпайтириш билан биргаликда молиявий маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни, бюджетдан маблағ билан таъминланаётган муассасаларни молиялаштириш механизмини соддалаштиришни ҳам талаб қилмоқда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 24-сон, 248-модда.

⁴ 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.-Т.: Халқ сўзи, 2012 йил, 20 январь

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумоти.

Олий таълим муассасаларининг молиявий механизмини такомиллаштириш уларнинг молиявий ва хўжалик эркинликларини кенгайтириш, бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятларини кенгайтириш орқали амалга оширилади.

Эришилган даражаларни сақлаб туриш ва янада ривожлантириш ҳозирги даврда бюджет сиёсатидаги энг муҳим вазифа бўлиб – бу, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг аниқ мақсадли ва манзилли бўлишига эришишдир⁶.

Ҳозирги кунда ушбу вазифаларни амалга оширилиши, харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлили тизимининг қай даражада шаклланиши билан белгиланади. Бозор иқтисодиёти ва жамиятни модернизациялаштириш шароитида харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилининг ўрни ва янгича талқини шундан иборат бўлиши лозимки, унинг ёрдамида биринчидан, давлат муассасалари ва фуқаролар томонидан ўз молиявий фаолиятларини ҳуқуқий тартибга риоя этилишини кузатиб бориш; иккинчидан, амалга оширилаётган молиявий харажатларнинг иқтисодий асосланганлиги ва самарадорлигини, бу харажатларнинг давлат олдида турган вазифаларига мувофиқ келишини текшириш амалга оширилади.

Юқоридаги ҳолатлар бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилининг такомиллаштириш бўйича бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб бориш нақадар зарурлигини аңлатади ва мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Илмий изланишнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимидаги бюджет ташкилотлари ҳисобланади.

⁶ Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2012, б.3

Тадқиқот предмети бўлиб эса, бюджет маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланишда харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш ҳисобланади.

Илмий ишнинг мақсади ва вазифалари. Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишнинг зарурияти, бюджет харажатларининг самарали ва смета ҳужжатларига мос бўлишига эришиш учун харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериш илмий изланишнинг мақсади ҳисобланади.

Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда харажатлар ҳисобининг зарурияти ва аҳамиятини очиб бериш;
- Бюджет ташкилотларида харажатлар ҳисоби ва иқтисодий таҳлилининг ҳозирги ҳолати ҳамда ривожлантириш истиқболларини аниқлаш;
- Таълим муассасаларида бюджетдан молиялаштириладиган смета харажатлари ижросининг дастлабки ва аналитик ҳисобини такомиллаштириш;
- Олий таълим ташкилотлари харажатлари ижроси таҳлилининг ахборот базасини қўллаш бўйича таклифлар бериш;
- Олий таълимда бюджет маблағлари таҳлилини мукаммаллаштириш йўллари;
- Бюджетдан ташқари маблағлар таҳлилини ривожлантириш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари - ғазначилик шароитида бюджет ташкилотларида харажатлар ҳисоби ва ички назоратини яхлит ва комплекс ҳолда тадқиқ этиш натижасида унга аниқлик киритилади ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланиш имконияти туғилади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Давлат бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби

ва иқтисодий таҳлили муаммосининг айрим назарий, услубий, амалий йўналишлари қатор хорижлик олимлар ва мутахассисларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган. Жумладан, А.Хансен, Э. Линдаль, М.Фридмен, В.Фостер, К. Макконелл, С.Брю, С.Фишер. Л.Дробозина, В.Родионова, Н.Самсонова, А.Луссе ва бошқалар бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлили муаммоларининг назарий асосларини чуқур ўрганишган.

Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш учун Давлат бюджети ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлили муаммоларининг турли йўналишларини ўрганишга бағишланган илмий изланишларнинг муаллифлари қаторида мамлакатимиз олимларидан академик И.А. Каримов, М.Шарифхўжаев, Т.Маликов, О.Олимжонов, М.Останокүлов, Э.Ф.Гадоев, Б.А.Хасанов, С.Мехмонов, Ф.Н.Файзиев, А.К.Ибрагимов, О.К.Иминов кабиларни киритиш мумкин.

Тадқиқот методлари. Диссертация ишида қиёслаш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, иқтисодий-математик ва статистик усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилини ташкил қилишда, харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилининг услубий базасини ташкил этиш ва амалга оширишда ҳамда у жараёнлар билан боғлиқ ишларни ташкил этишда, харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилини ташкил қилиш бўйича йўриқнома ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда қўлланиши мумкин.

Илмий изланиш натижаларида олинган хулоса ва таклифлар таълим тизимидаги ташкилотларда харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил услубиёти ҳамда ташкилий асосларини такомиллаштиришда қўлланилади. Шунингдек, олий таълим тизимида

“Бухгалтерия молиявий ҳисоби”, “Бюджет ҳисоби” курсларини ўқитишда таълим жараёнида ҳам қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот ишида қуйидаги илмий янгиликларга эришилди:

- Харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назорати бўйича иқтисодий адабиётларни тадқиқ этиш натижасида илмий асосланган гуруҳлаштириш тартиби ишлаб чиқилди;

- Бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартларини қўллаш орқали харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратини ташкил этиш тамойиллари ва уларга мос келувчи ҳисоб регистрларининг намуналари ишлаб чиқилди;

- Бюджет ташкилотлари фаолиятида қўллаш мақсадида, харажатлар бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллаш таклифи берилди;

- Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда харажатларнинг бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришни амалга ошириш бўйича таклифлар берилди.

- Бюджет ташкилотларида меҳнат, моддий ва молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида харажатларни молиявий назорат қилиш услубиятини ишлаб чиқилди;

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот натижалари бўйича 2 та илмий тезис республикамизда ўтказилган илмий-амалий конференция материалларида chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 80 бетни ташкил қилади. У 5 та расм, 6 та жадвалдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг 1-бобида бюджет ташкилотларида харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилини ташкил этишнинг ташкилий ва услубий асослари тадқиқ этилган. Хусусан, бюджет

ташкilotларида харажатлар ҳисобининг хусусиятлари, унинг ҳозирги ҳолати, ривожлантириш истиқболлари таҳлил этилган.

Тадқиқот ишининг 2-бобида бюджет харажатлари ижросининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари таҳлил этилиб, унда харажатлар ижросининг дастлабки ва аналитик ҳисобини, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар ҳисобини ва ривожлантириш жамғармаси харажатлари ҳисобини мукаммаллаштириш масалалари ёритилган.

Ишнинг 3-бобида ғазначилик шароитида харажатлар сметаси ижроси назоратининг ахборот базасини такомиллаштириш, уни ички назоратини мукаммаллаштириш, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ички назоратини ривожлантиришга атрофлича эътибор қаратилган.

I БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИЧКИ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ҲАМДА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда харажатлар ҳисобининг зарурияти, аҳамияти ва ташкил этишнинг хусусиятлари

Давлатимиз иқтисодий ривожланишининг бугунги босқичидаги ўзига хос хусусияти, унинг тезкор модернизациялаш жараёни билан ифодаланади. Модернизациялаштириш жараёни иқтисодиётни бутунлай камраб олган бўлиб, иқтисодий билим соҳаларидан бири бўлган бюджет ҳисоби ҳам унинг таъсир доирасидан четда қолмаган.

Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини, турмуш даражасини кўтаришга мўлжалланган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади. Булар умумдавлат харажатлари ҳисобланиб, давлат бюджети орқали молиялаштирилади⁷.

“Давлат бюджети” тушунчаси, иқтисодий жиҳатдан умумжамият миқёсида марказлашган, давлат иштирокида тўпланган ва сарфланадиган молиявий ресурсларни англатади. Умуман, “Бюджет давлат, корхона, муассаса ва айрим шахсларнинг маълум муддатга олдиндан белгилаб қўйиладиган кирим, чиқим, яъни даромад ва харажатлари мажмуини ифодалайди”⁸.

Давлат бюджети давлат молияси тизимида марказий ўринни эгаллайди. Бюджет тизими мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос

⁷ Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси. – Т.: 2012, б.11

⁸ Қодиров А.К., Турсунов А.М. Иқтисодиёт назариясидан атамалар ва тушунчалар. Тошкент, 2000. 18-бет.

хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятларининг бутун мажмуи асосида шаклланади.

Бюджет – давлатнинг олдида турган мақсад ва вазифаларини молиявий таъминлашга мўлжалланган пул маблағлари жамғармасини шакллантириш ва харажат қилиш шаклидир. Бюджет мамлакат молиявий тизимида бошқарувчилик вазифасини ўтайди. У умумдават молиявий ресурс жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, бир томондан, давлат ўртасидаги тақсимлаш муносабатларининг бир қисмини, иккинчи томондан, корхоналар ва аҳоли ўртасидаги тақсимлаш муносабатларининг бир қисмини англатади.

Бюджетни шакллантириш бевосита мамлакат миллий даромадини шакллантириш ва уни қайта тақсимлаш билан боғлиқдир. Миллий даромадни қайта тақсимлашнинг асосий молиявий усуллари қуйидагилар ҳисобланади:

- пул тушумларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш (фойда, ҚҚС, ижтимоий бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлов);
- солиқларни ташкил қилиш;
- иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш;
- умумистеъмол, суғурта ва захира жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш.

Давлат бюджетдан бевосита ўз фаолиятини ва иқтисодий ҳамда ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим дастаги сифатида фойдаланади.

Бюджет олдида турган вазифалар:

- миллий даромадни қайта тақсимлаш;
- иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш;
- ижтимоий соҳани молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш;
- пул маблағларининг марказлаштирилган жамғармасини шакллантириш ва улардан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш.

Бюджет даромадлари – бир томонидан, давлат, иккинчи томондан, хўжалик субъектлари ва фуқаролар ўртасидаги иқтисодий муносабатлардир. Шу билан биргаликда бюджет даромадлари – давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳисобига ўтадиган пул маблағларидир.

Умуман олганда, “бюджет” инглизча сўз бўлиб, давлат, корхона, муассаса ва айрим шахсларнинг маълум муддатга олдиндан белгилаб қўйиладиган кирим-чиқим, яъни даромад ва харажатлари мажмуини ифодалайди.

Бюджет қайси даражада эканлигидан қатъий назар, унга уч жихатдан ёндашиш мумкин:

- иқтисодий категория сифатида;
- моддий маънода;
- ҳуқуқий категория сифатида.

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида бюджет тизимиға қуйидагича таъриф берилган:

“Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этиш тизими ва принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағларини олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди».

Бюджет тизимининг асосий тамойиллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бюджет таснифи тизими, ҳисобот – бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тизимининг ягоналиги;
- бюджет тизимининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тизимининг мувофиқлиги;
- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- давлат бюджетининг баланслилиги;

– давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;

– давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган, тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаш;

– барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллигини.

Республика бюджет тизимининг яхлитлиги ва бир бутунлиги Қонун томонидан мустаҳкамлаб қўйилган. Унда, қуйи бюджетларнинг бири юқори бўғинга кириши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг етакчи бўғини – республика бюджетидир. Республика бюджети давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Миллий даромадни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни умумреспублика бюджети орқали тартибга солинади.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш таълим муассасаларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус, касб-хунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги хужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга.

Бакалаврият олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир⁹.

Олий таълим ташкилотларининг бир қисmini молиялаштириш республика бюджети томонидан амалга оширилади.


⁹ Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги Қонуни. 1997 йил 29 август №464-1, 14-модда

Бюджет ташкилоти – бу зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат кўмитаси, идора, давлат ташкилоти ҳисобланади.

Бюджет жараёни - Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг конун ҳужжатлари билан тартибга солинган жараёни ҳисобланади¹⁰.

Давлат бюджети ижросида катнашувчи барча органларда давлат бюджети даромадлари ва харажатларини ҳисобга олишнинг асосида бюджет таснифи ётади. Харажатларнинг таснифи тузилмаси қуйидагилардан иборат. Яъни:

Маблағлар манбаси ва бюджетлар даражаси таснифи амалга оширилаётган харажатларнинг тегишли маблағлар манбаси ва бюджетлар даражасига мансублигини аниқлаш мақсадида қўлланилади. (Масалан, олий таълим муассасалари маблағлари республика бюджети маблағлари бўлганлиги туфайли 100010 таснифга эга).




1-расм. Бюджет тизимида харажатларнинг таснифий тузилмаси.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни, №158-П, 14.12.2000 й.

Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи барча бюджет даражалари харажатлари гуруҳланишини ўзида ифодалайди ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш сектори бирликлари асосий функцияларини бажаришига, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни йўналтирилишини акс эттиради. Вазифа жиҳатдан таснифнинг коди 7 та рақамдан иборат бўлиб, шундан 4 та рақам – бўлим, 3 та рақам эса – кичик бўлимдир. Жумладан, Олий таълим муассасаларига ажратилган маблағлар 7 094 000 “Олий таълим” бўлимида акс эттирилади.

Харажатлар сметаси моддалари иқтисодий таснифга риоя қилган ҳолда тузилган бўлади. Харажатларнинг иқтисодий таснифи Ўзбекистон Республикаси барча даражадаги бюджетлари харажатларини хўжалик белгиларига, ишлаб чиқариш элементларига кўра фарқлашни назарда тутди. Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи тузилмаси қуйидаги кўринишда бўлади:



2-расм. Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи.

Давлат бошқарувида амалга оширилаётган харажатларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб, бюджет харажатлари йўналишларини белгилаб беради.

Харажатларнинг иқтисодий таснифи тоифалар, моддалар ва кичик моддалар кодларини ўз ичига олган 7 рақамдан иборат. (Масалан, асосий иш ҳақи 4111100, ягона ижтимоий тўлов 4121100 ва ҳоказо).

Худудий тасниф ёрдамида олий таълим муассасасини республиканинг қайси худуди, туман, шаҳарида жойлашганини аниқлаш мумкин. (Масалан, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида жойлашган олий таълим муассасасининг худудий таснифи 26277 бўлади).

Харажатлар таснифи аниқ ўрганилгандан сўнг олий таълим муассасалари мустақил равишда харажатлар сметасини, ҳамда тасдиқланган намунавий штат бирликлари асосида штатлар жадвалини тузади, кўриб чиқади, тасдиқлайди ва рўйхатдан ўтказди.

Ташкилотнинг харажатлар сметаси уч нусхада тузилиб, белгиланган тартибда молия органида рўйхатдан ўтказилганидан сўнг:

- биринчи нусхаси - ташкилотда қолади;
- иккинчи нусхаси - тегишли молия органига тақдим қилинади;
- учинчи нусхаси - зарур ҳолларда юқори ташкилотга тақдим қилинади.

Харажатларнинг базавий нормативлари ва уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш асосида ҳисобланган олий таълим муассасалари учун бюджет маблағлари ҳажми қуйидаги қатъий тартибда тақсимланади:

- иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов;
- стипендия харажатлари стипендиялар миқдорлари ва амалдаги стипендия билан таъминлаш тартибига мувофиқ ҳисобланади;
- тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган олий таълим муассасалари талабаларини моддий таъминлаш;
- коммунал хизматлар учун харажатлар;
- қолган жорий харажатлар ва бошқа харажатлар.

Олий таълим муассасалари харажатларини тўлаш ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари томонидан республика ғазначилик ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 26 августда 2136-сон билан рўйхатга олинган “Бир талабани ўқитиш харажатларидан

келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ “Бошқа харажатлар” IV гуруҳи бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги кетма-кетликка риоя қилган ҳолда сарфланади:

- тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган олий таълим муассасалари талабаларини моддий таъминлаш;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотларида “Бошқа харажатлар” IV гуруҳ бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида навбатига риоя қилган ҳолда сарфланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида молия тизимининг самарали фаолият юритиши кўп жиҳатдан унинг ташкилий механизмига боғлиқдир. Молия тизимида муҳим масалалардан бири бюджет бўлиб, бюджет ва унинг ижроси марказий ўринни эгаллайди.

Бюджет ҳисоби ёки давлат бюжети ижросининг бухгалтерия ҳисоби бизнинг республикамызда ягона халқ хўжалик ҳисоби таркибий қисмининг бири ҳисобланади. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг мақсади бўлиб, фойдаланувчиларни тўла, аниқ ва ўз вақтида молиявий ва бошқа бухгалтерия маълумотлари билан таъминлаш ҳисобланади. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифаси бўлиб эса, бухгалтерия ҳисоби счётларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкый ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ҳолати тўғрисидаги тўла ва аниқ маълумотларни шакллантириш; самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ҳамда молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари:

- Бухгалтерия ҳисобининг икки ёқлама ёзиш усули билан юритиш тамойили;

- Бухгалтерия ҳисобининг узлуксизлик тамойили;

- Хўжалик операцияларини, активларни ва пасивларни пулда баҳоланиши тамойили;

- Бухгалтерия ҳисобининг ишончлилик тамойили;

- Эҳтиёткорлик тамойили;

- Мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойили;

- Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги тамойили;

- Ҳисоботнинг бетарафлиги тамойили;

- Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамойили;

- Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланишлиги тамойили.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи қуйидагича ташкил этилади:

- Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни ташкилот раҳбари амалга оширади;

- Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг меъёрий ҳужжатларида белгиланган ягона услубиятни қўллаб ягона тизим бўйича ташкил қилинади;

- Бюджет ташкилотларининг катта-кичиклиги, харажатлар сметаларининг ҳажми, операциялар сони ва маълумотларни ишлаш воситаларидан фойдаланишига қараб ҳисобнинг турли шакллари (мемориал-ордер, журнал-ордер, бош-журнал ва бошқалар) қўлланилади;

- Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга бюджет ташкилотининг раҳбари жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Текширилган ва ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҳужжатлар тегишли мемориал-ордерлар, жамловчи ведомостлар билан расмийлаштирилади.

- 1-мемориал-ордер - «Касса операциялари бўйича йиғувчи ведомост», 381-сонли шакл;

- 2- мемориал-ордер - «Бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағида маблағларни ҳаракати бўйича йиғувчи ведомост», 381-сонли шакл;
- 3- мемориал-ордер - «Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағида маблағларни ҳаракати бўйича йиғувчи ведомост», 381-сонли шакл;
- 4- мемориал-ордер - «Лимитланган дафтарчалардаги чеклар билан ҳисоб-китоблар бўйича йиғувчи ведомост», 323-сонли шакл;
- 5- мемориал-ордер - «Меҳнат ҳақи ва стипендиялар бўйича ҳисоб-китоб ведомостларининг йиғмаси», 405-сонли шакл;
- 6- мемориал-ордер - «Турли ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар бўйича йиғувчи ведомост», 408-сонли шакл;
- 7- мемориал-ордер - «Режали тўловлар тартибидаги ҳисоб-китоблар бўйича йиғувчи ведомост», 408-сонли шакл;
- 8- мемориал-ордер - «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича йиғувчи ведомост», 386-сонли шакл;
- 9-мемориал-ордер - «Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва жойдан жойга кўчирилиши бўйича йиғувчи ведомост», 438-сонли шакл;
- 10-мемориал-ордер - «Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва жойдан жойга кўчирилиши бўйича йиғувчи ведомост», 438-сонли шакл;
- 11-мемориал-ордер - «Озиқ-овқат маҳсулотларининг кирими бўйича йиғувчи ведомостларнинг йиғмаси», 398-сонли шакл;
- 12-мемориал-ордер - «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сарфланиши бўйича йиғувчи ведомостларнинг йиғмаси», 398-сонли шакл;
- 13-мемориал-ордер - «Материалларнинг сарфланиши бўйича йиғувчи ведомост», 396-сонли шакл;
- 14-мемориал-ордер - «Махсус маблағлар бўйича даромадларни ҳисоблашга доир йиғувчи ведомост», 409-сонли шакл;

– 15-мемориал-ордер - «Болаларни сақлагани учун ота-оналар билан ҳисоб-китоблар бўйича ведомостларнинг йиғмаси», 406-сонли шакл;

– Қолган операциялар бўйича ва “Сторно” операциялари бўйича 16-дан бошлаб ҳар ойда алоҳида рақамланадиган алоҳида-алоҳида мемориал-ордерлар (274-сонли шакл) тузилади. Операциялар ҳажми бўйича йиғувчи ведомостлар тузиш талаб қилинмайдиган бюджет ташкилотларида счётлар корреспонденцияси алоҳида мемориал-ордерлар (274-сонли шакл)да кўрсатилади.

Алоҳида мемориал ордерлар операциялар содир бўлиши билан, аммо бошланғич ҳисоб ҳужжатлари олинган кундан кейинги кундан кечиктирмасдан, айрим ҳужжатларга ёки бир хил ҳужжатларнинг бир гуруҳи асосида тузилади.

Мемориал ордерлар бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари ҳамда мазкур мемориал ордерни тузган ходим томонидан имзоланади. Барча мемориал ордерлар “Бош-журнал китоби”да (308-шакл) рўйхатга олинади.

Ҳар бир ҳисобот оyi тугагандан сўнг барча мемориал ордерлар, мемориал ордерлар – жамланма қайдномалар уларга тегишли ҳужжатлар биргаликда хронологик тартибда таҳланган ва китоб қилинган бўлиши керак.

1.2. Бюджет ташкилотларида харажатлар ҳисоби ва иқтисодий таҳлилининг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари

Олий таълим тизимининг самарали фаолияти кўп жиҳатдан унинг молиявий маблағлар билан етарли даражада таъминланишига боғлиқ. Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг фаолияти асосан 3 та йўналишдаги манба воситасида молиялаштирилмоқда: бюджет маблағлари, талабаларни тўлов-контракт шаклида ўқитишдан тушган маблағлар ва тадбиркорлик асосида ишлаб топилган маблағлар.

Олий таълим муассасасининг харажатлар сметаси унинг фаолиятини таъминлаш учун бюджетдан бериладиган маблағни умумий миқдори, мақсадли йўналиши ва ойлар бўйича тақсимланишини белгиланишини

тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган намунавий шаклда тузилади¹¹.

Олий таълим муассасаларининг харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифига мувофиқ харажатлар гуруҳлари бўйича, 4 гуруҳ харажатларининг тўлиқ ёйилмасини ва ҳисоб-китобларни ўз ичига олган ҳолдаги илова билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 19 ноябрда 2157-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида турувчи ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомда келтирилган шакл асосида тузилади.

Бюджет фаолиятининг биринчи босқичи – бюджет лойиҳасини тузиш ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган муддатларда келгуси молия йилига қуйидаги ташкилотларга бюджет сўрови юбориш билан бошланади:

- тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари лойиҳаларини тайёрлаш учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга;
- бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун – республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга.

Келгуси молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар республика бюджетидан молиялаштириладиган олий таълим муассасалари томонидан – жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди, уни жорий йилнинг 15 сентябригача Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади ҳамда

¹¹ Саидов М.Х., Олий таълим муассасаларини молиялаш.Т.: -Молия, 2002 йил б.-134

Давлат бюджети лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан жорий йилнинг 1 октябригача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига такдим этади.

Олий таълим муассасаси белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар меъёрларига амал қилган ҳолда барча смета бўйича харажатлар йиғиндисини бюджет таснифининг бўлимлари, кичик бўлимлари, боблари ва харажат моддалари ҳамда йилнинг чораклари (ойлари) бўйича бўлинган ҳолатда харажатлар сметасини тузади ҳамда харажатлар сметасини тасдиқлаб Молия вазирлигига такдим этади.

Харажатлар сметаси ушбу харажатлар сметасида тасдиқланган барча гуруҳлар бўйича харажатларни харажатлар ёйилмасига ва уларнинг ҳисоб-китобларига тўлиқ мос келишини текширган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги харажатлар сметаларини тасдиқланган бюджетга, шунингдек, бюджетни тузиш бўйича Қонун ҳужжатларига мувофиқ келишини текшириб кўриб, эътирозлар бўлмаган тақдирда, харажатлар сметасининг биринчи бетида "Келишилган" деган белги қўяди ва муҳр билан тасдиқлайди.

Тошкент Молия институтининг 2010-2012 йиллар тасдиқланган харажатлар сметасини гуруҳлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, у қуйидагича бўлган.(Жадвал-1)

Жадвалдан кўриниб турибдики, Тошкент Молия институтининг йиллик харажатлар сметаси 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1,5 баробарга ошган. Гуруҳлар бўйича оладиган бўлсак, 1-гуруҳ, яъни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 58 фоизга, 2-гуруҳ ягона ижтимоий тўлов харажатлари 26 фоизга, 4-гуруҳ бошқа харажатлар 29 фоизга ошган.

Олий таълим ташкилотларининг харажатлар сметасига штатлар жадвали ҳам илова қилинади. Штатлар жадвали режалаштирилаётган йилнинг 1 январь ҳолатига ҳар бир ташкилот бўйича алоҳида ҳолда, уларнинг тузилмавий бўлинмалари кесимида мазкур ташкилот учун ўрнатилган

меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқ равишда, тегишли шаклда тузилади. (2-илова)

Штатлар жадвалига киритиладиган лавозимлар номлари ва маъмурий-бошқарув, ўқув-ёрдамчи ва ёрдамчи (хизмат кўрсатувчи ва техник) ходимларининг сони, ходимлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича уларнинг разрядлари (базавий ставкалари) қуйидагиларга мувофиқ бўлиши шарт:

– белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатлар жадвалида ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядларда (базавий ставкаларда) назарда тутилган лавозимларга;

Жадвал-1

Тошкент молия институтида харажатлар сметаси ижросининг таҳлили¹²

(минг сўм)

Харажатларнинг номи	Харажатларнинг гуруҳи	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2010 йилга нисбатан фоизда
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ш.ж.	1-гуруҳ	1537510	2484967	2433101	158
иш ҳақи		812802	1394246	981226	121
Стипендиялар		724708	1090721	1451875	200
Ягона ижтимоий тўлов	2-гуруҳ	193198	331446	242854	126
Бошқа харажатлар	4-гуруҳ	119214	192773	153227	129
Жами		1849922	3009186	2829182	153

– ходимларнинг умумий бирликлари доирасига ва бошқарув хизматчиларининг ходимлар бирликларига;

– ташкилотлар турлари бўйича белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатлар жадвалларига;

– давлат бошқарув органларида ходимлар тоифаларининг меъёрий нисбатларини Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимларининг номенклатураси билан мувофиқлигига.

¹² Манба: Тошкент молия институти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Бунда, ҳар ойлик харажатлар қоида тариқасида, молия йилининг бошланишида амалга оширилиши режалаштирилмайдиган харажатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда, ўтган молия йилининг охириги чораги бюджет маблағларининг учдан бир қисмидан ошиб кетмаслиги лозим. Вақтинчалик харажатлар сметасида ўтган молия йилида амалга оширилмаган бюджет харажатлари кўзда тутилмайди.

Жаҳон амалиётида давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг касса, модификациялашган касса, модификациялашган ҳисоблаш ва ҳисоблаш услублари мавжуд.

Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг **касса методи**да барча ходисаларни пул маблағларининг ҳаракати бўйича қайд қилиш кўзда тутилади. Бунда, активлар ва мажбуриятларга доир кўпгина ходисалар бухгалтерия ҳисоби доирасида ҳисобга олинмай қолади.

Бугунги кунда, биз бухгалтерия ҳисобини ҳисоблаш услубининг босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаганмиз. Бундай ўтишнинг афзалликлари бўлиб, ҳисоблаш услубини кўп йиллар давомида синовдан ўтказиш, бунинг натижасида аниқланган камчилик ва муаммоларни ҳал қилиш ҳамда параллел давлат секторининг барча институционал бирликларида касса услубига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритиш мумкинлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишдан ҳисоблаш методи бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишга ўтиш босқичлари:

I босқич. “Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими”ни қўллашдан олдин олиб бориладиган тайёргарлик ишлари.

“Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими”ни қўллашга тайёрланади. Бюджет ташкилотлари тегишли ҳисоботларни касса методи учун “Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти” билан маълум даражада мослаштирилган ва “Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2001” бўйича таснифланган ахборотларни тақдим этади.

II босқич. “Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими”га (ДМБАТ) амал қилади. “Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими”нинг консолидациялаштириш бўйича имкониятлари бюджет ташкилотларининг ва консолидациялаштирилган ҳисобот бирлигининг молиявий ҳисоботларини касса методи учун “Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандарти”га қисман мувофиқлаштиришни таъминлайди. “Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими”ни қўллаш ҳисоблаш методи учун “Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари”га “Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2001”га мувофиқ молиявий ҳисоботларга қўшимча тушунтириш берилишини таъминлайди.

III босқич. “Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2001”га мослиги эришилади. “Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2001”га тўла мослиги таъминланади. Бунда, ер баҳоланмайди, холос.

IV босқич. Ҳисоблаш методи учун “Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари”га тўла мослиги эришилади. Ҳисоблаш методи учун “Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари”га ва Олий таълим муассасаси томонидан тузилган харажатлар сметаси асосида I, II, III, IV – гуруҳ харажатлари, харажатларнинг иқтисодий таснифи бўйича акс эттирилади ҳамда уларнинг ижроси қабул қилинган бухгалтерия ҳисоботлари шаклларида бюджет харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича шакллантирилади. Бухгалтерия молиявий ҳисоботи – бу корхона фаолияти тўғрисида ва уни назорат қилиш мақсадида, корхонанинг молиявий – хўжалик фаолиятини кузатиш ва ушбу маълумотларни умумлаштириш тизими ҳисобланади.

1-боб бўйича хулоса.

Бюджет ташкилотларида харажатларининг бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратини ташкил этишнинг ташкилий ва услубий асослари бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда харажатлар ҳисобининг зарурияти, аҳамияти ва ташкил этишнинг хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.

Мазкур бобда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари аниқланди, унга бухгалтерия ҳисоби счётларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ҳолати тўғисидаги тўла ва аниқ маълумотларни шакллантириш; самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ҳамда молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга бюджет ташкилотининг раҳбари жавобгар бўлиб ҳисобланишидан бошлаб, барчаси қонунда белгилаб қўйилганлиги ва унга риоя қилиш зарурлиги эътироф этилди.

Халқаро бухгалтерия ҳисоби амалиётида давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг касса, модификациялашган касса, модификациялашган ҳисоблаш ва ҳисоблаш услублари қўлланиланилиши тадқиқ этилди уни қтллаш босқичлари кўрсатиб берилди.

Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг касса методида барча ҳўжалик операцияларини пул маблағларининг ҳаракати бўйича қайд қилиш кўзда тутилади. Бунда, активлар ва мажбуриятларга доир кўпгина операциялар бухгалтерия ҳисоби доирасида ҳисобга олинмай қолади.

Ҳозирги пайтда, республикаимиз бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш услубини босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаганмиз. Бундай ўтишнинг афзалликлари бўлиб, бюджет ташкилоти 100%лик тўлов суммасининг 15%ини аввалдан тўлаб, қолган 85%ини товар келиб тушгач, иш ва хизматлар бажарилганидан сўнг амалга оширади. Фикримизча, бу усулни ҳали батафсил синовдан ўтказиш, бунинг натижасида аниқланган камчилик ва муаммоларни ҳал қилиш ҳамда параллел давлат секторининг барча институционал бирликларида касса услубига асосланган бухгалтерия ҳисобини юритиш мумкинлиги ҳисобланади.

II БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2.1. Таълим муассасаларида бюджетдан молиялаштириладиган смета харажатлари ижросининг ҳисоби дастлабки ва аналитик ҳисобини такомиллаштириш

Таълим тизимини ривожлантириш маълум даражада маблағлар сарфини талаб қилишига қарамасдан, доимо давлатимизнинг диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, Президентимиз И.А.Каримов қатъий туриб таъкидлаганларидек: “Молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилиши шарт”.¹³

Бюджет муассасаларида бухгалтерия ҳисоби “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқномага¹⁴ мувофиқ бухгалтерия ҳисоби юритишнинг мемориал ордер шаклида олиб борилади. Бухгалтерия ҳисоби юритишни журнал-ордер шаклида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, шунингдек уларнинг тизимидаги ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда олиб боришлари мумкин. Маблағ билан таъминлаш бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чораклар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади. Бухгалтерияга тушган бошланғич ҳужжатлар албатта шакл бўйича ҳамда мазмуни бўйича текширилади. Яъни бошланғич

¹³ Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент: Ўзбекистон, 1996 й, 143-бет.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 502-модда)

хужжатларнинг расмийлаштирилишини, кўрсатгичлар тўлдирилганлигининг тўлалиги ва тўғрилиги, ҳамда хужжатлаштирилаётган операцияларнинг қонунийлиги, айрим олинган кўрсатгичларнинг мантиқан ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилиб кўрилади.

Таълим тизимига кирувчи олий таълим муассасаларининг барчаси давлат таълим муассасалари бўлиб, уларни молиялаштириш манбалари қуйидаги тузилишга эга.

Олий таълим муассасасининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ҳужжатлар қўлланилади:

- Бухгалтерия маълумотномаси (433-сон шакл)
- Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш тўғрисида далолатнома (АВ-1-шакл)
- Асосий воситаларни ички жойдан жойга кўчириш бўйича юк хати(АВ-2-шакл)
- Қўшимча қурилган, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, реконструкция ёки модернизация қилинган асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш бўйича далолатнома (АВ-3-шакл)
- Юк хати (талабнома) (454-шакл)
- Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида далолатнома (АВ-4 шакл)
- Бюджет ташкилотларида асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида далолатнома (АВ-4а-шакл)
- Бюджет ташкилотлари кутубхонасида мавжуд бўлган адабиётларни ҳисобдан чиқариш бўйича далолатнома (444-шакл);
- Ташкилот эҳтиёжи учун берилган материаллар қайдномаси (410-шакл)
- Забор карта (431-шакл)
- Касса крим ордери (КО-1-шакл)
- Чиқим касса ордери (КО-2-шакл)
- Кассадан ҳисобдор шахсларга пул бериш бўйича қайднома (317-шакл)
- Бўнак (Аванс) ҳисоботи (286-шакл)



3-расм. Олий таълим тизимидаги таълим муассасаларининг молиялаштириш манбаларига кўра туркумланиши¹⁵

¹⁵ Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2012, б.10

- Фойдаланилган иш вақти ҳисоби ва иш ҳақи ҳисоблаш табели (9421-шакл);
- Иш ҳақи, аванс бериш учун тўлов қайдномаси (389-шакл);
- Ҳисоб-китоб-тўлов қайдномаси (т-49-шакл)
- Таътил бериш (ишдан бўшаш) бўйича ҳисоб ёзуви (425-шакл)
- Депонентланган суммалар реестри (414-шакл);
- Хужжатларни топшириш бўйича реестр (442-шакл)

Ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари, ҳисобчилари, бухгалтерия хизматининг раҳбарлари ўзларининг тизимидаги ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг юритилишини ва молиявий ҳисоботларнинг тўғри тузилишини мунтазам назорат қилиб турадилар.

Бюджетдан молиялаштиришнинг оқилона тизimini ташкил қилишда молиялаштириш тамойиллари муҳим аҳамият касб этади. Бу тамойиллар қаторига қуйидагилар киради:

1. Кам харажат қилиб юқори самарага эришиш, яъни бюджет маблағлари улардан фойдаланиш натижасида энг юқори натижаларга эришиш таъминланган шароитдагина берилади. Бу самара бир томондан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли вазифаларини ечишда, бошқа томондан бюджет маблағларини олувчилар даромадларининг ўсиши ҳисобидан бюджетга пул маблағларининг қайта келишида ифодаланади;

2. Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда юридик шахслар бюджетдан маблағларни фақат тасдиқланган бюджет асосида аввалдан тайинланган мақсадларга олади. Бу тамойилга қатъий риоя қилиш бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланишнинг олдини олади;

3. Бюджет маблағларини ишлаб чиқариш ва бошқа кўрсаткичлар бажарилишининг боришига қараб ва олдин берилган маблағлардан фойдаланилишни ҳисобга олган ҳолда бериш. Бюджетдан молиялаштириш кўрсаткичлари бажарилишини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш молия

органларига корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолияти устидан таъсирли ва самарали назорат ўрнатишга имкон беради.

4. Бюджет маблағларининг қайтарилмаслиги. Маблағларни давлат бюджетига албатта қайтариш шартисиз берилади.

Юқоридагиларни амалга ошириш учун ғазначиликнинг асосий вазифаси ҳам давлат бюджетининг тўғри, мақсадга мувофиқ ижро этилишини таъминлашдир. Шу муносабат билан, авваламбор, ғазначилик томонидан ижро этиладиган асосий ҳужжат-давлат бюджети, ҳар бир вазирлик ва минтақа бюджети зарур бўлиб, улар бюджет ҳисобини юритишнинг илғор стандартларига мос равишда ва бюджет тавсифига асосланиб мукаммал ишлаб чиқилиши даркор. Ғазначилик томонидан ижро этиладиган бюджет харажатлари иқтисодий гуруҳлашнинг ҳар бир босқичи бўйича аниқ белгилаб берилиши лозим.

Ғазначилик амалдаги харажатлар бўйича дастлабки ва жорий назоратни ўрнатиши керак. Битимга эришилгандан кейин эса назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат тафтиш бошқармаси ва Ҳисоб палатаси вазифасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 2 апрелдаги 26-сон буйруғига биноан “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона счётлар режаси” тасдиқланди ва амалга киритилди.

Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасининг субсчётлар бўйича корреспонденциясидаги хусусиятлардан бири бўлиб, унинг тўрт бўлимдан иборат эканлиги: номолиявий активлар, молиявий активлар, дебитор ва кредиторлар, молиявий натижалар ҳисобланади. Фикримизча, бу янги счётлар корреспонденциясида энг муҳим ҳисоб объекти саналган харажатлар ҳисобини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ташкилотнинг бош ҳисобчиси бевосита мазкур ташкилот раҳбарига, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилиш масалалари бўйича эса, агар қонунчиликда бошқача қоидалар назарда

тутилмаган бўлса, юқори ташкилот бош ҳисобчисига ҳам бўйсунди ҳамда ташкилотда бухгалтерия ҳисобининг юритилишига, молиявий ҳисоботларнинг ўз вақтида ва тўлиқ топширилишига жавобгар бўлади.

Бюджет маблағлари бюджет ташкилотлари томонидан мустақил равишда, бюджет ижроси жараёнида белгиланган тартибда уларга киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида сарфланади.

1 ва 2 – гуруҳ харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар тўлови учун нақд пул маблағларини олишга сўровнома, шунингдек, ушбу гуруҳлар харажатлари бўйича тўлов топшириқномалари асосида рўйхатга олинади. Сўровномада ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича маълумотлар келтирилади. Ғазначилик органлари ғазна ҳисобварақларидан тўлов топшириқномалар асосида тасдиқланган харажатлар сметаси лимитлари доирасида амалга оширади.

Олий таълим муассасасининг 1 гуруҳ харажатлари 2 гуруҳ харажатлари тўловисиз амалга оширилмайди. 1 ва 2 гуруҳ харажатларини тўлиқ тўлаб бўлингандан сўнг унинг 4 гуруҳ бўйича харажатларини тўлашга рухсат этилади.

Олий таълим муассасасининг иккинчи томон олдидаги молиявий мажбуриятлари уларга товарлар етказиб (ишлар бажариб, хизматлар кўрсатиб) берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларни ҳисоблаш қайдномалари асосида қабул қилинади.

4-гуруҳ “Бошқа харажатлар” бўйича маблағларнинг сарфланиши ўрнатилган лимитлар доирасида белгиланган навбатга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Ушбу гуруҳ бўйича молиявий мажбуриятлар маҳсулот етказиб (ишлар бажариб, хизматлар кўрсатиб) берувчиларнинг счёто-фактуралари ёки товарлар етказиб берилганлигини (ишлар бажариб,

хизматлар кўрсатиб) берувчига бюджет маблағларини ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида қабул қилинади.

Олий таълим муассасасининг 4-гуруҳ харажатлари тўлови тўлов топшириқномалари билан:

- бюджет ташкилотларининг 4-гуруҳ харажатларининг тегишли моддалари бўйича бюджет маблағлари қолдиқлари суммалари доирасида;

- агар тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма ғазначилик органида рўйхатга олинган шартномага мувофиқ тўланиши лозим бўлган пул маблағлари суммасидан ошмаса;

- счё-фактура ёки маҳсулот етказиб (ишлар бажариб, хизматлар кўрсатиб) берилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлганда ва ташкилотнинг маҳсулот етказиб (ишлар бажариб, хизматлар кўрсатиб) берувчи олдидаги қарздорлигини, шунингдек, ташкилотни маҳсулот етказиб (ишлар бажариб, хизматлар кўрсатиб) берувчига бюджет маблағларини (шу жумладан, аванс тўловларини) ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида;

Жадвал-2.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўйича 2009-2012 йиллар мобайнида амалга оширган касса харажатлари таҳлили¹⁶

Йиллар Кўрсаткичлар	2009	2010	2011	2012
Иш хаки ва унга тенглаштирилган тўловлар	30352,3	43074,4	67140,1	95492,3
Ягона ижтимоий тўлов	4069,9	5406,5	8740,8	12764,5
IV-гуруҳ харажатлари жами	6201,7	7355,2	8247,5	8973,4
Ташкилотнинг ҳисобот охири кунига тежаб қолingan ва ташкилотнинг ривожлантириши жамгармаси ҳисоб рақамига ўтказилган маблағ	425,4	251,5	216,4	-
Жами харажатлар	41049,3	56087,6	84344,8	117230,2


-тўлов топшириқномасида кўрсатилган маҳсулот етказиб (ишлар бажариб, хизматлар кўрсатиб) берувчининг, шунингдек, бюджет

¹⁶ Манба: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ташкilotларининг номи ва реквизитларига мувофиқ бўлганида амалга оширади.

- Харажатлар сметасига мувофиқ олий таълим муассасаларида шахсий ҳисобварақлари орқали амалга оширилган тўловлар сумма 232 “Бюджетдан молиялаштириш” субсчётида ҳисобга олинади.

- 3-жадвалдан кўриниб турибдики, харажатларнинг энг катта улуши иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга тўғри келади. Жумладан, 2012 йилда жами харажатлар 117230,2 млн. сўмни ташкил этган бўлса, шундан 95492,3 млн. сўми ёки 81,5 фоизи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ташкил этган.



4-расм. 2009-2012 йиллар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг харажатлари.¹⁷

2009-2012 йиллар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг харажатлари бўйича амалга оширган касса харажатлари қуйидагича бўлган:

Шу билан бирга, жами ҳақиқий харажатлар 2013 йилда 2010 йилга нисбатан 76180,9 млн. сўмга ёки 2,86 баробарга ошган. Қолган гуруҳлар бўйича ҳам харажатларни таҳлил қиладиган бўлсак, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 65140,0 млн. сўм ёки 3,15 баробар, ягона ижтимоий тўлов 8694,6 млн. сўм ёки 3,14 баробарга, бошқа харажатлар, яъни 4-гуруҳ харажатлари эса 2771,7 млн. сўм ёки 1,45 баробарга ошган.

¹⁷ Манба: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жумладан, 4-гуруҳ харажатларининг турлари бўйича қарайдиган бўлсак, ушбу гуруҳ харажатларини ошиши, сақлаш, ижара, фойдаланганлик ва бошқа хизматларни тўлаш харажатлари 1390,2 млн. сўм ёки 2,70 баробарга, техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар сотиб олиш харажатлари 485,2 млн. сўм ёки 2,47 баробарга, асосий активларни сотиб олиш 559,2 млн. сўм ёки 1,77 баробарга, коммунал хизмат харажатлари 910,2 млн. сўм ёки 1,36 баробарга ошиши ҳисобига бўлган.

Жадвал-3

Олий таълим вазирлигининг 2010-2013 йилги амалга оширган касса харажатлари таҳлили.¹⁸

(млн.сўм)

Йиллар Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2010 йил 2013 йилга нисбатан ўсиш (%)
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	30352,3	43074,4	67140,1	95492,3	314,6
Ягона ижтимоий тўлов	4069,9	5406,5	8740,8	12764,5	313,6
IV-гуруҳ харажатлари жами, ш.ж.:	6201,7	7355,2	8247,5	8973,4	144,7
- хизмат сафари	121,5	118,4	129,9	112,9	92,9
- коммунал хизмат	2516,0	2743,7	3134,8	3426,2	136,2
- телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматлари	146,3	159,7	171,6	140,4	96,0
- жорий таъмирлаш	288,9	333,4	360,5	345,1	119,5
- сақлаш, ижара, фойдаланганлик ва бошқа хизматларни тўлаш	815,4	674,6	629,4	2205,6	270,5
- жорий мақсадлар учун техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиш	329,0	559,5	838,2	814,2	247,5
-дори-дармон ва боғловчи материаллар	15,1	14,6	12,5	12,8	84,8
-кийим-кечак, пойафзал, махсус кийим-кечак, ички кийимлар, чойшаб-ғилофлар олиш учун харажатлар	123,0	152,2	156,0	149,1	121,2
- бошқа жорий харажатлар	74,9	76,6	56,5	31,3	41,8
- асосий активларни сотиб олиш	724,5	1212,5	1337,9	1283,7	177,2
- капитал таъмирлаш	1047,1	1310,0	1420,2	452,1	43,2
<i>Ташилотнинг ҳисобот охири кунига тежаб қолingan ва ташилотнинг ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилган маблағ</i>	425,4	251,5	216,4	-	-
Жами харажатлар	41049,3	56087,6	84344,8	117230,2	285,6

¹⁸ Манба: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

3-жадвал маълумотлари асосида, жами ҳақиқий харажатларнинг 2013 йилда 2010 йилга нисбатан ўсишини гуруҳлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 66118,2 млн. сўм ёки 3,16 баробарга, ягона ижтимоий тўлов 9368,9 млн. сўм ёки 3,28 баробарга, бошқа харажатлар, яъни 4-гуруҳ харажатлари эса 2661,9 млн. сўм ёки 1,42 баробарга ошган.

Жумладан, 4-гуруҳ харажатларининг турлари бўйича қарайдиган бўлсак, саклаш, ижара, фойдаланганлик ва бошқа хизматларни тўлаш харажати 1168,9 млн. сўм ёки 2,37 баробарга, техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар сотиб олиш харажатлари 479,6 млн. сўм ёки 2,36 баробарга, асосий активларни сотиб олиш 550,6 млн. сўм ёки 1,71 баробарга, коммунал хизмат харажатлари 1025,1 млн. сўм ёки 1,41 баробарга ошган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бюджет ташкилотларида олий таълим муассасалари харажатлари ижросини ҳисоби ва таҳлилининг амалдаги тартибини бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида ташкил этишга ўтиш натижасида бюджет маблағларидан самарали, мақсадли ва манзилли фойдаланишга эришилади.

Йил охирида барча молиялаштирилган бюджет маблағларининг, шунингдек, амалга оширилган тўловларнинг бюджет маблағлари бўйича жорий йил учун молиявий натижаларга ёпилиши 230 “Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётининг кредитида ва 232 “Бюджетдан молиялаштириш” субсчётининг дебетида акс эттирилади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счётлар рўйхати қуйидаги бобларга бўлинади:

I боб Номолиявий активлар

II боб. Молиявий активлар

III боб Дебиторлар ва кредиторлар

IV боб. Молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётлар

V боб. Балансдан ташқари счётлар

Олий таълим ташкилотлари операцияларининг жорий бухгалтерия

хисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган счётлар режасида белгиланган тизим бўйича олиб борилади. Операциялар бошланғич ҳужжатларда қайд қилинади, кейин ҳужжатлардаги ёзувлар субсчётлар бўйича тарқатилади ва бюджет ташкилотининг бухгалтерия балансида умумлаштирилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010-2013 йилги ҳисобланган ҳақиқий харажатлари таҳлили 4-жадвалда келтирилган.

Жумладан, олий таълим ташкилотининг раҳбар, педагог ходимларига ва ишчи хизматчиларига ҳисобланган меҳнат ҳақи ва улардан ажратмалар ҳисоби кўрсатилади. Ушбунинг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги субсчётлар орқали акс эттириш проводкаларини қўллашимиз мумкин:

Жадвал-4.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009-2012 йилги ҳисобланган ҳақиқий харажатлари таҳлили¹⁹

(млн.сўм)

Йиллар Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2009 йилга нисбатан ўсиш (%)
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	30589,6	43691,1	68209,8	96707,8	316,1
Ягона ижтимоий тўлов	4109,1	5543,9	9100,4	13478,0	328,0
IV-гурӯх харажатлари жами, ш.ж.:	6294,5	7456,7	8345,2	8956,4	142,3
- хизмат сафари	125,6	118,3	134,8	132,2	105,3
- коммунал хизмат	2486,7	2823,2	3234,9	3511,8	141,2
- телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматлари	154,6	154,6	171,6	90,8	58,7
- жорий таъмирлаш	293,7	359,3	357,5	349,6	119,0
- сақлаш, ижара, фойдаланганлик ва бошқа хизматларни тўлаш	852,8	690,5	604,9	2021,7	237,1
- жорий мақсадлар учун техника, асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиш	352,4	572,5	864,2	832,0	236,1
-дори-дармон ва боғловчи материаллар	16,2	12,9	12,0	13,6	84,0
-кийим-кечак, пойафзал, махсус кийим-кечак, ички кийимлар, чойшаб-ғилофлар олиш учун харажатлар	123,7	154,1	150,7	150,2	121,4
- бошқа жорий харажатлар	79,4	75,7	54,6	36,5	46,0
- асосий активларни сотиб олиш	773,4	1161,6	1352,0	1324,0	171,2
- капитал таъмирлаш	1036,0	1334,0	1408,0	494,0	47,7
Жами харажатлар	40993,2	56691,7	85655,4	119142,2	290,6

¹⁹ Манба: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётида ташкилотнинг ходимлари билан иш ҳақининг барча турлари, мукофотлар ва бошқа меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади²⁰.

Иш ҳақи, мукофотлар, турли моддий ёрдамлар ва бошқа тўловлар ойига бир марта ҳисоблаб ёзилади ва ҳисобда жорий ойнинг охириги кунда акс эттирилади.

Иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш учун қуйидагилар асосий ҳужжатлар ҳисобланади: ташкилотнинг ишга қабул қилганлик, бўшатганлик ва ходимларни тасдиқланган штатлар жадвали ва иш ҳақи ставкаларига мувофиқ жойдан жойга кўчириш ҳақидаги буйруқлари, 421-сон шаклдаги фойдаланилган иш вақти ҳисоби ва иш ҳақи ҳисоблаш табели (мазкур Йўриқноманинг 55-илоvasи) (кейинги ўринларда табель деб юритилади) ва бошқа ҳужжатлар.

Табеллар ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланган шахслар томонидан ҳар ойда белгиланган шаклда юритилади. Табеллар бутун ташкилот бўйича ёки тузилмавий бўлинмалар (бўлимлар, бўлинмалар, факультетлар, лабораториялар ва бошқалар)га бўлинган ҳолда юритилади. Ойнинг охирида табель бўйича ишланган кунларнинг умумий миқдори, шунингдек ортиқча ишланган соатлар аниқланади. Тўлдирилган ва тегишли имзолар билан расмийлаштирилган табель ва бошқа ҳужжатлар белгиланган муддатда иш ҳақи ҳисоблаб ёзиш учун бухгалтерияга топширилади.

Ойнинг биринчи ярми учун ходимларга аванс берилади. Аванс белгиланган тартибда ушлаб қолиниши керак бўлган солиқ суммасини ҳисобга олмаган ҳолда, қоидага кўра, иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида белгиланади. Аванс 389-сон шаклдаги иш ҳақи, аванс бериш учун тўлов қайдномаси (мазкур Йўриқноманинг 56-илоvasи) бўйича берилади.

²⁰ Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома. 2010 йил 22 декабр, 2169-сон

Ой учун иш ҳақи ҳисоблаб ёзиш ва ойнинг иккинчи ярми учун тўлаш одатда, Т-49-сон шаклдаги ҳисоб-китоб тўлов қайдномаси (мазкур Йўриқноманинг 57-илоvasи) бўйича амалга оширилади. Ушбу ҳисоб-китоб тўлов қайдномасига ходимларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ҳисобланган иш ҳақи ва нафақалар суммаси, берилган аванс, ушланган солиқлар ва бошқа суммалар ёзилади.

174 “Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчётида олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг талабалари, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ҳамда курс тингловчилари ва бошқалар билан стипендиялар бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Стипендияларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш ҳисоб-китоб тўлов қайдномаларида ойига бир марта буйруқлар асосида амалга оширилади. Ҳисоблаб ёзилган стипендияларнинг суммалари 174 “Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёт кредитига ёзилади, ушбу субсчётнинг дебетига эса ушлаб қолинган суммалар, берилган ва муддатида олинмаган стипендияларнинг суммалари ёзилади.

Аналитик ҳисоб таълим муассасасининг ҳар бир стипендия олувчиси бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Иш ҳақи, стипендиялар ва бошқа тўловлардан ижро варақалари ва бошқа ҳужжатлар бўйича ушлаб қолинган суммалар 176 “Ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақ бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётининг кредитига ҳамда 173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар”, 174 “Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар” ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетига ёзилади. 176 “Ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақ бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётининг дебетига бюджет (бюджетдан ташқари) ҳисобварақлардан ўтказилган суммалар ёзилади, бунда пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитланади.

Ходимлар билан турли ушланмаларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир ходим бўйича алоҳида ҳолда 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) олиб борилади.

161 “Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ҳисобланган ягона ижтимоий тўловларнинг ҳисоби олиб борилади.

Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар қонунчиликка асосан тартибга солинади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ҳисобланган ягона ижтимоий тўловлар суммаси 161 “Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётининг кредитида ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 231, 241, 251, 261 ва 271-субсчётларнинг дебитида акс эттирилади. Ташкилот томонидан ўтказиб берилган тўловлар эса, пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитида ва 161 “Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётининг дебитида акс эттирилади.

161 “Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар” субсчёти бўйича аналитик ҳисоб 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) олиб борилади.

Олий таълим муассасаси мол етказиб берувчилар ва пудратчилар ҳамда харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар қилганда қуйидаги субсчётлар орқали тегишли бухгалтерия проводкаларини беради:

150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчётида мол етказиб берувчилар билан етказиб берилган моддий ва номоддий қимматликлар, шунингдек капитал қўйилмалар ҳисобига харид қилинадиган қурилиш материаллари, конструкциялар ва деталлар, ўрнатиш учун жиҳозлар, етказиб берилган бошқа товар-моддий қимматликлар қиймати ва шу кабилар, пудратчилар билан уларга қурилиш ва монтаж учун берилган конструкциялар ва деталлар, бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун ҳисоб-китоблар олиб борилади.

Харидор ва буюртмачилардан ўзаро тузилган шартномада белгиланган тўловлар келиб тушганда пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар дебетланади ва 152 “Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти кредитланади. Бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар харидор ва буюртмачилар томонидан қабул қилиниб олинганда (тегишли тасдиқловчи ҳужжатларга асосан) ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар харидорлар ва буюртмачиларга юклаб жўнатилганда 152 “Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти дебети ва 200 “Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси” субсчёти кредити бўйича акс эттирилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир харидор ва буюртмачилар бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

2.2 Олий таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларининг ҳисоби.

Олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида талабалар қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойиши билан белгиланган тўлов-контракт асосида қабул квоталари доирасида Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади.²¹

Тўлов-контракт асосида таълим грантлари корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан ўзларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва тегишли маълумот олиш учун ажратилади.

Корхона ва муассасалар тўлов-контракт асосида таълим грантлари ажратаётганларида ишлаб чиқариш ва унинг бўлинмалари фаолияти ихтисосига хос келувчи йўналиш ва мутахассисликлар бўйича кадрларга бўлган амалий эҳтиёжни ҳисобга олишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг абитуриентларни тўлов-контракт асосида

²¹ “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. 1999 йил 6 август 795-сон.

талабаликка (магистрантликка, ўқувчиликка) тавсия этиш тўғрисидаги қарори эълон қилингандан сўнг таълим муассасаси, буюртмачи (юримдик шахс) билан абитуриент ўртасида контракт (уч томонлама) расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга кирувчи жисмоний шахслар ўқишга қабул қилувчи таълим муассасаси билан контракт (икки томонлама) тузадилар.

Тузиладиган контрактларда томонларнинг мажбуриятлари ва зарур бўлган қўшимча шартлар келишиб олинади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга кирувчи абитуриентларни талабаликка қабул қилиш тегишли контракт расмийлаштирилгандан, бир ўқув йили учун ўқиш қиймати юримдик ёки жисмоний шахслар томонидан тўланганлиги (тўлиқ ёки белгиланган миқдорнинг камида 50 фоизи) тўғрисида тасдиқнома олингандан сўнг 10 сентябрдан кечиктирилмай таълим муассасаси бўйича бўйруқ билан расмийлаштирилади.

Ўқиш учун ҳақ жисмоний ёки юримдик шахс (буюртмачи) томонидан тўлиқ ёки контрактда белгиланган муддатларда бир йилда кўпи билан икки марта (тўла қийматнинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда) тўланади.

Бугунги кунда Республикамиз олий таълим муассасаларида талабалар бюджет ва тўлов - контракт шаклида таҳсил олиб келмоқдалар. Хусусан, ушбу тўлов-контракт маблағлари таълим муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобварағига тушади.

Олий таълим ташкилотларида таълим муассасалари томонидан ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисоби 111-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчётида олиб борилади. Ушбу счёт актив счёт ҳисобланади. 111-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчётининг дебетида ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган тушумлар акс эттирилади. 111-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчётининг кредитида эса

Ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган маблағларнинг ишлатилиши акс эттирилади. Ушбу субсчёт бўйича синтетик ҳисоб 3-Мемориал ордер “Бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига доир жамланма қайднома”да (381-шакл), касса харажатларининг аналитик ҳисоби эса “Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари”да (294-шакл) юритилади.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тушумлари талаба ва ўқувчиларга сарфланадиган жорий харажатларга, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ўқув жараёнини воситалар билан таъминлашга, жиҳозлар ва юмшоқ инвентарларни сотиб олишга, кутубхона фондини тўлдиришга, “Маънавият ва маърифат” тадбирлари, “Универсиада” оммавий спорт тадбирлари, “Нихол” ижодий фестиваллари ва бошқа тадбирлар ўтказишга, “Истеъдод” жамғармаси йўналиши бўйича хорижий олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчиларни қайта тайёргарликдан ўтказиш ва малакасини оширишга, ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантиришга ишлатилади.

Бунда, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми тушумлар умумий ҳажмининг 30 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлаш учун тушган маблағлар таълим муассасаси тушумига киритилади²².

Бюджет ташкилотини ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган касса харажатлар тўғрисидаги маълумотлар 111-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчётининг кредити бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма суммаси бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича очилган шахсий ҳисобварақлари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса харажатларини билдиради. Бунда, 111-“Таълим муассасаларида

²² “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. 1999 йил 6 август 795-сон.

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчётининг кредит бўйича айланма суммаси муайян бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар бўйича очилган шахсий ҳисобварақлари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса харажатларининг тикланиши суммасига камайтирилади.

Бюджет ташкилотини ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлари тўғрисидаги маълумотлар 251-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчётининг дебет бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма суммаси бюджет ташкилотининг ўқитишни тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳисобланган, харажатларини билдиради.

Бюджет ташкилотининг ўқитишни тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатларининг аналитик ҳисоби “Жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)”да (292-шакл) юритилади. Харажатларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир харажат тури ва моддалари (тоифалари, моддалари, кичик моддалари ва элементлари) бўйича алоҳида юритилади.

Йил охирида аввало, молия йили давомида 251-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчётида молия йили давомида йиғилган харажатларнинг фойдаланилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи қисми яъни, ушбу маблағлар ҳисобидан сотиб олинган моддий активларнинг сарфланиши (эскириши) ёки моддий активлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадларига ишлатилиши муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар 285-“Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар” субсчётига ўтказилади.

251-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчётининг дебитида қолган барча ҳақиқий харажатлар суммаси 250-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётига ўтказилади.

Шунинг учун молия йили охирида 251-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчётида қолдиқ қолмайди.

Ушбу муомалалар қуйидаги бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилади:

1. Олий таълим ташкилотида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабага контракт тўловлари ҳисобланганда:

Дебет - 175 “Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар” субсчёти

Кредит-252 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар” субсчёти

2. Ҳисобланган контракт тўловлари нақд пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан тўланганда:

Дебет-111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчёти

Кредит-175 “Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар” субсчёти

3. Ҳисобланган контракт тўловлари олий таълим муассасасининг кассасига тўланганда:

Дебет-120 “Миллий валютадаги нақд пул маблағлари” субсчёти

ёки 172 “Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти

Кредит-175 “Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар” субсчёти

4. Кассага контракт тўловлари сифатида қабул қилиниб олинган нақд пул банкка топширилганда:

Дебет - 111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчёти

Кредит -120 “Миллий валютадаги нақд пул маблағлари” субсчёти

ёки 172 “Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти

5. Турли ташкилотларга товарлар, ишлар, хизматлар ва бошқалар учун контракт тўловлари маблағлари ҳисобидан тўловлар амалга оширилганда:

Дебет – 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти

Кредит - 111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчёти

6. Тўлов-контракт шакли бўйича таълим олаётган талабаларга ҳисобланган стипендия суммалари уларнинг банкдаги пластик карочкаларига ўтказиб берилганда:

Дебет – 174 “Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти

Кредит - 111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчёти

7. Ташкилот кассасига тўлов-контракт шакли бўйича таълим олаётган талабаларга стипендия бериш учун банкдан нақд пул олинганда:

Дебет -120 “Миллий валютадаги нақд пул маблағлари” субсчёти

ёки 172 “Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти

Кредит - 111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчёти

8. Мазкур ҳисобварақнинг вақтинча бўш турган маблағлари депозитга қўйилганда:

Дебет – 140 “Депозитга қўйилган пул маблағлари” субсчёти

Кредит - 111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчёти

9. Депозитга қўйилган маблағлар бўйича фоиз кўринишидаги даромадлар келиб тушганда:

Дебет - 111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчёти

Кредит- 159 “Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти

10. Депозитга қўйилган вақтинча бўш турган маблағлар қайтарилганда:

Дебет - 111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчёти

Кредит – 140 “Депозитга қўйилган пул маблағлари” субсчёти

11. Пул эквивалентлари сотиб олиш учун тегишли ташкилотларга маблағлар ўтказилганда:


Дебет – 150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти

Кредит - 111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар” субсчёти.

Ҳар бир ўқув йилида таълим муассасалари ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича календарь йил учун тушумлар ва чиқимлар сметалари ишлаб чиқади ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Таълим муассасалари йилнинг ҳар чораги учун, чоракдан кейинги ойнинг биринчи ўн кунлигида, ўзлари бўйсунадиган вазирликлар ва идораларга тўлов-контракт асосида тушган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасининг бажарилиши ҳақида белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этадилар²³. (4-илова)

²³ “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. 1999 йил 6 август 795-сон.



5-расм. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларида бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар тўғрисида маълумот.²⁴

“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисида”ги ҳисобот олий таълим муассасаларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

Таълим муассасалари мазкур ҳисоботни тузишдан олдин ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид барча дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини, аналитик ҳисоб маълумотларининг тегишли синтетик ҳисоб маълумотларга мувофиқлигини, тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўлиқ ва тўғри ёзилганлигини текшириб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги Олий таълим муассасаларида бюджет ва бюджетдан ташқари тўлов – контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, (5-расм, 5-жадвал), таълим муассасалари харажатлари моддаларининг хусусиятларининг хилма – хиллиги яъни

²⁴ Манба: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

режадаги, касса ва ҳақиқий харажатларнинг мавжудлиги уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни тартибга солишни талаб қилади.

Бюджет харажатларини ҳисобга олиб боровчи счетларни туркумлаш натижасида молиялаштириш манбалари, фаолият турлари, йўналишлари, харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари уларнинг элементлари ва калькуляция моддалари ҳисоб ва назоратнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мослаштирилади.

2.3 Олий таълим муассасаларининг ривожлантириш жамғармаси харажатлари ҳисоби.

Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
- замонавий технология ускуналари билан жиҳозлаш учун жалб этиладиган халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари;
- халқаро донорлар грантлари, васийлар ва мамлакатимиздаги хомийлар маблағлари;
- жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар ва қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа тушумлар²⁵.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларнинг даромад қисмига бюджетдан ташқари маблағларнинг қонунчиликка мувофиқ барча шаклланиш манбалари бўйича кутилаётган маблағлар тушуми ва молия йилининг бошига маблағлар қолдиғи киритилади.

Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар ҳисобидан ходимлар бирликлари сақланган ҳолларда, сметага штатлар жадвали илова қилинади. Бунда, рўйхатдан ўтказиладиган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича смета билан бирга штатлар жадвали ҳам рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинади.

²⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 июндаги 172-сон қарори Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида

Харажатларнинг бюджет қисми бўйича мавжуд кредиторлик қарзларини биринчи ўринда қайтаришга тежаб қолинган суммалар ва бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварағига ўтказилган қолдиқлар биринчи навбатда харажат қилинади.

Вақтинчалик молиялаштирмаслик сабабли бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисобварағида маблағлар бўлмаганда харажатлар бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварағи ҳисобига амалга оширилиши мумкин, кейинчалик эса бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисобварағи ҳисобига бажарилади.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ғазна ижросига ўтган олий таълим муассасалари бўйича молия йили ҳисобот чорагининг охирги иш куни охирида Молия вазирлиги Ғазначилигида очилган ҳисоб рақамларида қолган (тежаб қолинган) маблағлар ўтказилади.

Ўтган молия йилида иқтисод қилинган (тежаб қолинган) маблағларнинг бюджет ташкилоти ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши бўйича тўлов топшириқномалари тайёрланиб, тегишли Молия вазирлигининг Ғазначилик органига молия йили тугашига 5 иш куни қолғунига қадар тақдим этилади. Бундай ҳолатда, иқтисод қилинган маблағларни ривожлантириш жамғармасига ўтказиш учун тўлов топшириқномаларига республика бюджетидан маблағ олувчи олий таълим муассасалари раҳбари ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ва чорак якунига кўра иқтисод қилинган маблағлар суммаси кўрсатилган маълумотни тақдим этиши лозим.

Бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олинadиган асосий депозит ҳисобварағига маблағлар келиб тушганда (молиялаштириш олинганда) илгари бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобварағидан ўтказилган суммаларга айнан тенг бўлган маблағлар бюджет

ташкilotларини ривожлантириш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига тўланади.

Молия йили давомида 261-“Бюджет ташкilotини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчётида молия йили давомида йиғилган харажатларнинг фойдаланилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи қисми (ушбу маблағлар ҳисобидан сотиб олинган моддий активларнинг сарфланиши (эскириши) ёки моддий активлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкilotнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадларига ишлатилиши муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар) 285-“Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар” субсчётига ўтказилади.

Йил якунида биринчи навбатда, иқтисод қилинган ва бюджетдан ташқари ҳисобвараққа ўтказилган бюджет маблағлари суммасига тўғри келувчи 261- “Бюджет ташкilotини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчёт дебетида ёзилган ҳақиқий харажатлар мос равишда 230-“Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётининг дебетида ёзиш йўли билан ёпилади.

Шундан сўнг, фойдаланилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи ҳақиқий харажатлар суммаси (ушбу маблағлар ҳисобидан сотиб олинган моддий активларнинг сарфланиши (эскириши) ёки моддий активлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкilotнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадларига ишлатилиши муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар) 261-"Бюджет ташкilotини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар" субсчётидан ҳисобдан чиқарилади. Бунда, 285-"Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича

имтиёзлар" субсчёти дебетланади ва 261-"Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар" субсчёти кредитланади.

Қолган барча ҳақиқий харажатлар 261-"Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар" субсчётининг кредитида ва 260 "Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар" субсчёти дебетида акс эттириш йўли билан ёпилади. Йил охирида 261-"Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар" субсчётида қолдиқ қолмайди.

Бу ўз навбатида таълим тизимида ҳам тааллуқли бўлиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларида бюджет маблағлари, унинг жами даромадлари ва харажатларининг молиявий назоратини олиб борилишини тақозо қилади. (6-жадвал).

“1.Йил бошига пул маблағи қолдиғи” қаторига тегишли ҳисобварақлардан кўчирмаларга мувофиқ Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобот йилининг биринчи январь санасига мавжуд пул маблағлари қолдиғи акс эттирилади. Бунда, ғазначилик бўлинмаларининг тегишли транзит ҳисобварақларидаги ташкилотга тегишли бўлган қолдиқ маблағлар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

“2. Ҳисобот даврида тушган даромадлар — жами” қаторида “а”, “б”, “в” ва “г” қаторлар бўйича ҳисобот даврига тушган барча даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади.

“а) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан” қаторида фаолият тури бўйича маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган жами тушумлар (пул маблағлари) кўрсатилади.

“б) вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мулкларини ижарага беришдан” қаторида вақтинча фойдаланилмаётган

биноларни ва бошқа мулкларни ижарага беришдан тушган даромадлар (пул маблағлари) кўрсатилади.

“в) юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами ҳисобидан” қаторида Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ҳомий ташкилотлардан ҳамда жисмоний шахслардан тушган ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

“г) ҳисобот чорагининг охириги иш кунида тежаб қолинган бюджет маблағлари ҳисобидан” қаторида тежаб қолинган ва белгиланган тартибда бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилган бюджет маблағлари кўрсатилади.

“3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами” қаторида “Касса харажатлари—жами”да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

“4. Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи” қаторида “1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи” қаторида акс эттирилган сумма ва “2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами” қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан “3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари—жами” қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

“Харажатлар ёйилмаси”да бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

Ушбу ҳисобот шакли бюджет ташкилотлари томонидан ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар ўрнатилган тартибда олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва тегишли ташкилотларга топширилади.

Жадвал-5

**Олий таълим муассасасининг ривожлантириш жамғармасига
маблағларнинг келиб тушиши тўғрисида 2012 йил учун ҳисоботи
(2-рж шакл)²⁶**

Кўрсаткичлар		(минг сўм).
1.	Йил бошида маблағлар қолдиғи	8281,8
2.	Ҳисобот даврида даромадлар келиб тушди - Жами	19188,2
Шу жумладан:		
А)	фаолият турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан	500,0
Б)	вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкани бюджет ташкилотлари томонидан бошқа ташкилотларга ижарага беришдан	10250,0
В)	юримдик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам)	5000,0
Г)	ҳисобот чорагининг сўнги иш куни охирида бюджет ташкилоти ҳисобварағида қолган тежаб қолинган (фойдаланилмаган) маблағлар суммаси	2238,2
Д)	бошқа тушумлар	1200,0
3.	Жами маблағлар (1+2)	27470,0
4.	Жами касса харажатлари	16950,0
5.	Ҳисобот даври охирида маблағлар қолдиғи (3-4)	10520

5-жадвал маълумотларининг кўрсатишича бюджет ташкилотида ҳисобот йилининг бошида 8281,8 минг сўм маблағлар қолдиғи мавжуд бўлган. Ҳисобот даврида келиб тушган даромадлар суммаси 19188,2 минг сўмни ташкил этган. Бу маблағларнинг асосий қисми вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкани бюджет ташкилотлари томонидан бошқа ташкилотларга ижарага беришдан ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдамлардан (беғараз ёрдам) келиб тушган.

Таҳлил қилинаётган бюджет ташкилотида таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган жами маблағлар 27470,0 минг сўм бўлиб, улардан касса харажатлари жами 16950,0 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот даври охирида маблағлар қолдиғи 10520,0 минг сўмни ташкил этиб, мазкур бюджет ташкилотининг бу борадаги фаолиятини ижобий баҳолашга асос бўлади.

²⁶ Манба: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвал маълумотларига кўра, бюджет ташкилотининг 2012 йилда амалга оширган жами касса харажатлари 16950,0 минг сўмни ташкил этган. Бу харажатларнинг асосий қисми ташкилотнинг 4-гуруҳ харажатларига, хусусан коммунал хизмат харажатларига, техника, оргтехника, асбоб-ускуналар, инвентарлар, материаллар, канцтоварларни харид қилиш харажатларига, ноишлаб чиқариш соҳасидаги капитал таъмирлаш харажатларига, асосий капитал активларни харид қилиш харажатларига сарфланган.

Жумладан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида 924,0 минг сўм ва унга муносиб равишда иш берувчиларнинг ажратма харажатларига 231,0 минг сўм маблағ йўналтирилган. Ташкилотнинг коммунал хизматлар бўйича кредиторлик қарздорлигини қоплаш мақсадида, жами 5450,0 минг сўм маблағ касса харажати амалга оширилган. Ташкилотнинг моддий техника базасини ривожлантириш мақсадида, жами 5495,0 минг сўм маблағ харажат қилинган.

Умумий хулоса қилганда, бюджет ташкилотининг касса харажатлари ва ҳақиқий харажатлари ҳисобот даврида тенг бўлган. Демак, мазкур бюджет ташкилотида харажатлар сметаси ижроси талаблар даражасида ташкил қилинган.

2-боб бўйича хулоса.

Олий таълим ташкилотларида бюджет харажатлари ижросининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш - бу таълим муассасаларида бюджетдан молиялаштириладиган смета харажатлари ижросининг ҳисоби дастлабки ва аналитик ҳисобини такомиллаштириш, олий таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларининг ҳисоби, ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва бошқа шу каби ҳисоб объектларининг ҳисобини юритиш билан амалга оширилади.

Магистрлик ишининг 2-бобида қайд этилганидек, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг сўмлар режаси корхона,

ташкilotларникидан фарқли хусусиятларга эга эканлиги батафсил кўрсатиб берилди ва улар қуйидаги бобларга бўлиниши таъкидланди:

I боб. Номолиявий активлар

II боб. Молиявий активлар

III боб. Дебиторлар ва кредиторлар

IV боб. Молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётлар

V боб. Балансдан ташқари счётлар

Диссертация ишида жадваллар асосида олий таълим муассасасининг ривожлантириш жамғармасига маблағларнинг келиб тушиши тўғрисида ҳисоботи таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар берилган.

III БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ

3.1 Олий таълим ташкилотлари харажатлари ижроси молиявий назоратининг ахборот базасини такомиллаштириш

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобида ҳисоб ишларини замонавий техник воситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилса, бухгалтерия ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилишини ҳамда амалга оширилаётган операцияларнинг қонунийлигини олдиндан назорат қилиш имконияти мавжуд бўлади. Маблағларнинг, шунингдек бюджетдан ташқари маблағларнинг харажатлар сметасида кўзда тутилган муайян мақсадларга тўғри сарфланиши, шунингдек, пул маблағлари ва моддий қимматликларнинг бутлиги устидан мунтазам назорат қилиниши лозим. Ташкилотда ходимларнинг иш ҳақларини ва унга тенглаштирилган тўловларини белгиланган тартибда ҳамда ўз вақтида ҳисоблаб чиқиш, смета ижроси жараёнида вужудга келадиган юридик ва жисмоний шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва моддий қимматликлар, шунингдек бошқа активларни ва мажбуриятларни инвентаризация қилишда қатнашиш, инвентаризация натижаларини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш ҳисобчининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Барча тузилган бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари орқали бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ижроси юзасидан бюджет ташкилотлари ўрнатилган тартибда чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тузади ва тасдиқлайди ҳамда тақдим қилиниши белгиланган органларга ўз муддатида топширади.

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилмоқда ва шу мақсадда турли хил бухгалтерия ҳисоб дастурлари мавжуд. Бухгалтерия ҳисобини юритиш

учун “БЭМ-Бюджет ташкилотлари” дастуридан фойдаланилса, кўзланган мақсадга мувофиқ бўлган бўлар эди. Чунки, олий таълим муассасалари бухгалтериясини юритишда фойдаланиш учун энг мақбули электрон ҳисоб усули ҳисобланади. Бу жараёнда, бухгалтерия томонидан ташкилот, ходимлар ва операциялар бўйича бошланғич маълумотлар киритилса, қолган барча зарурий ишларни дастурнинг ўзи тез ва аниқ амалга оширади.

Дастурий маҳсулот бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш бўйича сифатли замонавий дастурий таъминотга қўйилган барча талабларга жавоб беради. Унинг асосий сифат кўрсаткичларига самарадорлик, ишончлилик, ҳаққонийлик, аниқлик, хавфсизлик киради. Бунда, бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш, барча турдаги ҳужжатлар, ҳисоботлар, электрон архивни мавзулар бўйича автоматлаштириш, ҳужжатлар мавжудлигини текширишнинг осонлашиши, ҳужжатларнинг қоғоз нусхаларини тайёрлаш, кўпайтириш, тарқатиш жараёнлари қисқариши, айрим ҳолларда улардан воз кечилиши ҳисобидан маблағларни сезиларли даражада тежашга эришилади ҳамда ҳисоб-китоб ишлари ташкилот раҳбарининг тўлиқ назоратида бўлади. Ҳисоб-китоб ишларини бундай ташкил қилинган шароитда, аниқланган муаммолар юзасидан раҳбарнинг тезкор қарор қабул қилишида қулай имкониятлар пайдо бўлади.

Олий таълим ташкилоти бюджет ва бюджетдан ташқари харажатлар сметаси ижроси бўйича чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузадилар ва топширадилар. Ташкилот йиллик бухгалтерия ҳисоботлари ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январ ҳолатига тузилади. Чораклик бухгалтерия ҳисоботлари ҳисобот йилининг 1 апрел, 1 июл ва 1 октябр ҳолатига тузилади. Ушбу чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботлари касса ва ҳақиқий харажатлар бўйича тузилади.

Молиявий ҳисоботларни тузишда қуйидаги шартлар тўлиқ сақланиши лозим:

- ҳисобот давридаги барча операциялар ҳамда пул маблағлари, асосий воситалар, моддий қимматликларнинг инвентаризация қилиниши ва ҳисоб-китоблар натижаларининг тўлиқ акс эттирилиши;

- аналитик ҳисоб маълумотларининг ҳисобот даврининг биринчи санасига синтетик ҳисоб юритиш ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқларга бир хил бўлиши, шунингдек молиявий ҳисоботлар маълумотларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослиги;

- молиявий ҳисоботлардаги тегишли ёзувларни қайд этиш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатлардан фойдаланиш.

Таълим муассасаларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича “Бюджетдан ташқари пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисоботи”да ҳисобот таълим муассасаларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган. Таълим муассасалари мазкур ҳисоботни тузишдан олдин қуйидагиларни тўғрилигини текшириб чиқадилар:

– ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид барча дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

– аналитик ҳисоб маълумотларининг тегишли синтетик ҳисоб маълумотларга мувофиқлигини;

– тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўлиқ ва тўғри ёзилганлигини.

Таълим муассасаларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича “Бюджетдан ташқари пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот”ида қуйидагилар акс эттирилади:

1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи;
2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар – жами;
3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари – жами;

4. Ҳисобот даври охирига пул маблағлари қолдиғи.

“Йил бошига пул маблағи қолдиғи” қаторига тегишли ҳисобварақлардан кўчирмаларга мувофиқ ҳисобот йилининг биринчи санасига мавжуд тўлов-контракт маблағлари қолдиғи акс эттирилади.

“Ҳисобот даврида тушган тушумлар – жами” қаторида “А,Б ва В” қаторлар бўйича ҳисобот даврида тушган тушумларнинг йиғиндиси кўрсатилади. Ушбу қаторларда ҳисобот даври ҳолатига шу йилга ўтувчи тўлов-контракт суммаси, молия йили давомида келиб тушган тўлов-контракт суммаси, бошқа тушумлар ва даромадлар акс эттирилади.

“Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари – жами” қаторида мазкур ҳисобот шаклининг “Касса харажатлари ёйилмаси” бўйича “Харажатларнинг ҳаммаси” қаторида қайд қилинган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

“Ҳисобот даври охирига пул маблағлари қолдиғи” қаторида йил бошига пул маблағи қолдиғи ва ҳисобот даврида тушган тушумлар-жамидан ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари – жами айирмаси кўрсатилади.

“Харажатлар ёйилмаси”да тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

Молиявий ҳисобот шаклларидаги барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Ташкилотларда тегишли активлар, пассивлар ва операцияларнинг мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устидан чизиб қўйилади.

Молиявий ҳисоботлар шакллари олий таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил

22 декабр) 308-сон шаклдаги “Бош-журнал китоби” ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тузилади.

Молиявий ҳисоботлар шакллариининг манзил (уст) қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади²⁷:

“Ташкилот” реквизитида ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилади;

“Бўлим, кичик бўлим, боб” реквизитида ташкилотнинг бюджет таснифининг вазифа жиҳатидан вазифавий ва ташкилий жиҳатдан бўлиниши (белгиланиши) кўрсатилади;

“Ҳисобот даври” реквизитида ҳисобот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак, ой) кўрсатилади;

“Бюджет тури” реквизитида ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифига мувофиқ маблағлар манбаи ва ташкилот тақдим этадиган ҳисобот бўйича бюджетлар даражаси кодлари кўрсатилади.

“Ўлчов бирлиги” реквизитида ҳисобот тузилаётган ўлчов бирлиги келтирилади.

Таълим муассасаларида молиявий назоратни амалга ошириш шубҳасиз, бухгалтерия ҳисобининг счётлар тизими такомиллашувига бевосита боғлиқдир. Илмий ишда бюджет муассасалари харажатларини бешта субъектлар кесимида ҳамда аналитик счётлар бўйича туркумланишини тақлиф этган олим Одилов Э.Т.нинг тақлифларини ўринли деб ҳисоблаймиз.

²⁸Бунинг натижасида тизимли ҳисоб юритиш, уни автоматлаштириш ва молиявий назоратни амалга оширишга имкон яратилади. Бюджет харажатларини ҳисобга олиб боровчи счётларни туркумлаш натижасида молиялаштириш манбалари, фаолият турлари, йўналишлари, харажатларнинг пайдо бўлиш жойлари уларнинг элементлари ва калькуляция моддалари

²⁷ Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 27 августдаги 57-сон буйруғига илова. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар.

²⁸ Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. 08.00.08.-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳил ва аудит» ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.Т.: Ўз Р БМА.,2012.

ҳисоб ва назоратнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мослаштирилади. Шу муносабат билан илмий ишда таълим муассасалари харажатларини ҳисобга олувчи счетлар туркуми таклиф этилди (6-жадвал). Мазкур жадвалда бешта йўналиш бўйича субсчетлар туркумланган бўлиб, унинг биринчи тартибда молиялаштириш манбаларига кўра олтита, фаолият

6-жадвал

Таълим муассасаларида жорий йилнинг молиявий натижаси (230-232) счётларига таклиф қилинаётган субсчётлар тизими²⁹

Субсчётлар тартиби					Аналитик
1	2	3	4	5	
Молиялаштириш манбаларига кўра	Фаолият турлари бўйича	Фаолият йўналишлари бўйича	Харажатларнинг пайдо бўлиш жойларига кўра	Бюджет таълим муассасалари эҳтиёжига кўра	Калькуляция моддалари ва иқтисодий элементлар бўйича
1- Бюджетдан ажратмалар 2 –Тўлов-контракт маблағлари 3 –Ҳомийлик маблағлари 4 – Мақсадли молиялаштириш 5 – Тadbиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар 6 – Бошқа даромадлар	1. Таълим фаолияти	1.Бакалавриатура 2.Магистратура 3.Иккинчи таълим 4. Олий ўқув юртидан кейинги таълим	Факультетлар, филиаллар, бўлимлар, бўлимлар ва бошқалар	Мутахассислик, дастур, гуруҳ ва бошқалар бўйича	Харажатларни калькуляция моддалари бўйича тақсимлаш жараёнида уларни иқтисодий элементга муносабати бўйича туркумлаш тавсия этилади.
	2. Бошқа нотижорат фаолияти	1.Тиббий хизмат кўрсатиш 2.Техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар		Хизмат кўрсатиш, фаолият йўналишлари ва бошқалар бўйича	
	3. Тижорат фаолияти	1.Мулкларни ижарага бериш 2.Овқатланиш шохобчалари ва бошқалар		Фаолият хусусиятидан келиб чиққан ҳолда	

турлари бўйича учта, фаолият йўналишлари бўйича саккизта, харажатларнинг пайдо бўлиш жойларига кўра тўртта, бюджет таълим муассасалари эҳтиёжига кўра учта йирик гуруҳга, ва ниҳоят калькуляция моддалари бўйича иқтисодий элементга муносабатига қараб туркумлаш тавсия этилган. Натижада бюджет ташкилотининг таълим, тижорат, нотижорат, ҳомийлик ва халқаро алоқалар каби фаолият турлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тизимлаштирилади ва тартибга солинади.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги манба асосида муаллиф ишланмаси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатга олинган.

3.2. Олий таълимда бюджет маблағлари ички назоратини мукаммаллаштириш йўллари

Ташкилотни бошқаришнинг муҳим элементларидан бири ички назорат ҳисобланади. Ҳар бир алоҳида ташкилотда ўз фаолиятини амалга ошириш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўз ички назорат тизимини ташкил этиши мумкин. Аммо, ички назорат тизими фаолият олиб боришининг умумий қонунлари ва самарадорликни ошириш методлари мавжуд.

Иқтисодчи олим Одилов Э.Т.нинг таъкидлашича: «Бюджет таълим муассасалари назорат қилувчи органларининг фаолият олиб бориши ягона методик таъминоти ўрнатилмаганлиги молиявий назоратнинг маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши ва мулкдан самарасиз фойдаланиш, фаолиятнинг нотижорат турларини амалга ошириш бўйича қонунчилик томонидан ўрнатилган чекловларга амал қилмаслик каби функцияларини қисқаришига олиб келади. Шу билан бир вақтда, бюджет таълим муассасаларининг пулли нотижорат фаолият олиб боровчи ташкилотлар сифатидаги фаолиятининг мавжуд хусусиятлари, шунингдек нотижорат ташкилотлари томонидан олинган воситаларни ишлатиш йўналишлари бўйича қонунчилик томонидан ўрнатилган чекловлар, бизнинг фикримизча, мажбурий ва систематик равишдаги кузатув ва назоратга муҳтождир».³⁰

Олий таълим ташкилоти бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишнинг ички назоратини олиб бориш молиявий назоратнинг бир қисми саналади ва бу ҳолатда қуйидаги шартлар тўлиқ бажарилиши лозим:

– ҳисобот давридаги барча операциялар ҳамда пул маблағлари, асосий воситалар, моддий қимматликларнинг инвентаризация қилиниши ва ҳисоб-китоблар натижаларининг тўлиқ акс эттирилиши;

³⁰ Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. 08.00.08.-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.Т.: Ўз Р БМА.,2012.

– аналитик ҳисоб маълумотларининг ҳисобот даврининг биринчи санасига синтетик ҳисоб юритиш ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқларга бир хил бўлиши, шунингдек молиявий ҳисоботлар маълумотларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослиги;

– молиявий ҳисоботлардаги тегишли ёзувларни қайд этиш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатлардан фойдаланиш.

Ушбу асосий шартларга риоя қилинмаган ҳолда тузилган молиявий ҳисоботлар нотўғри тузилган деб ҳисобланади.

Ташкилотлар жамлама молиявий ҳисоботларни ўзлари кўриб чиққан тасарруфидаги қуйи ташкилотларнинг молиявий ҳисоботлари ҳамда ўзининг харажатлар сметаси бўйича молиявий ҳисоботлари асосида тузади.

Молиявий ҳисоботлар қоида тариқасида, ўсиб боровчи тартибда битта ўн хонали сонда минг сўм ҳисобида тузилади.

Агарда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузмаган ҳолда молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари манфий қолдиқ билан чиқса (манфий қолдиққа эга бўлса), у ҳолда ҳисоботларда ушбу кўрсаткичлар “минус” белги билан акс эттирилади.

Ҳисоботдан олдин асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддаларини таҳлил қилиб чиқиш лозим. Таҳлилнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

– асосий воситалар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалари ва бошқа активларнинг ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия ҳисоби маълумотларига таққослаш йўли билан аниқлаш, шунингдек моддий бойликлар ва пул маблағларининг сақланишини назорат қилиш;

- конунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ белгиланган нормативдан юқори бўлган ва фойдаланилмаётган моддий бойликларни аниқлаш;
- моддий бойликлар ҳамда пул маблағларини сақлаш қоидалари ва шартларига риоя қилиш;
- балансда ҳисобга олинган моддий бойликлар, кассалардаги, банкларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларидаги (кейинги ўринларда ғазначилик бўлинмалари деб юритилади) шахсий ҳисобварақлардаги пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддалари қийматининг ҳақиқийлигини текшириш.

Ҳисобот “Бош журнал китоби” (308-шакл) ва даромадлар (тушумлар) ва харажатлар ҳисоби юритиладиган бошқа ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тўлдирилади.

“1. Даромадлар (тушумлар)” бўлими бўйича:

“1.1. Бюджетдан молиялаштириш” қаторида “Бош журнал китоби” (308-шакл)даги 232—“Бюджетдан молиялаштириш” субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

“1.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар” қаторида “Бош журнал китоби” (308-шакл)даги 242 — “Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари” субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

“1.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича даромадлар” қаторида “Бош журнал китоби” (308-шакл)даги 252 — “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар” субсчётининг маълумотлари акс эттирилади. Шунингдек, ушбу маълумотлар “а) тўлов-контракт маблағлари”, “б) депозитга қўйилган маблағлар бўйича даромадлар” ва “в) бошқа тушумлар” қаторлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади;

“1.4.Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси даромадлари” қаторида “Бош журнал китоби” (308-шакл)даги 262 —“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар” субсчётининг маълумотлари акс эттирилади. Шунингдек, ушбу маълумотлар “Товар (иш, хизмат)лар реализациясидан”, “Фойдаланилмаётган давлатнинг мол-мулкларини ижарага беришдан” ва “Ҳомийлик ёрдамларидан” қаторлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади;

“1.5.Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари” қаторида “Бош журнал китоби” (308-шакл)даги 262 — “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар” субсчётининг маълумотлари акс эттирилади. Шунингдек, ушбу маълумотлар “Пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан”, “Ҳомий ва донор ташкилотлардан” ва “Фойдаланилмаётган давлатнинг мол-мулкларини ижарага беришдан” қаторлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади;

“1.6. Бошқа даромадлар” қаторида “Бош журнал китоби” (308-шакл)даги 272 —“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” ва 273 —“Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар” субсчётларининг маълумотлари акс эттирилади;

“1.7. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар” қаторида жорий йилда таълим муассасаларидаги тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳамда Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси даромадлари бўйича ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар акс эттирилади.

“Даромадлар (тушумлар) жами” қаторида барча даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси акс эттирилади.

“2. Харажатлар” бўлими бўйича:

“2.1. Бюджет маблағлари бўйича харажатлар” қаторида “Бош журнал китоби” (308-шакл)даги 231 — “Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар” субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

“2.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” қаторида “Бош журнал китоби” (308-шакл)даги 241 — “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

“2.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” қаторида “Бош журнал китоби” (308-шакл)даги 251 — “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

“2.4. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” қаторида “Бош журнал китоби” (308-шакл)даги 261-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

“2.5. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” қаторида тиббиёт муассасалари томонидан “Бош журнал китоби” (308-шакл)даги 261-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

“2.6. Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар” қаторида “Бош журнал китоби” (308-шакл)даги 271-“Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар” субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

“Харажатлар жами” қаторида мазкур Қоидаларнинг 117-бандида кўрсатилган барча даромадлар (тушумлар) ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатларнинг йиғиндиси акс эттирилади.

“3. Молиявий натижа” бўлими бўйича:

“Жорий йилга молиявий натижа” қаторида ташкилотнинг жорий йилга молиявий натижаси, яъни, жами даромад (тушум) (080-қатор)дан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар жами (150-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади.

“а) бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа” қаторида “1.1. Бюджетдан молиялаштириш” (010-қатор)дан “2.1.Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар” (090-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

“б) тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижа” қаторида “1.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар” (020-қатор)дан “2.2.Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” (100-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

“в) таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа” қаторида “1.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича даромадлар” (030-қатор)дан “2.3.Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” (110-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

“г) бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа” қаторида “1.4. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси даромадлари” (040-қатор)дан “2.4. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” (120-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

“д) тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича жорий йилга молиявий натижа” қаторида “1.5. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари” (050-қатор)дан “2.5. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” (130-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

“е) бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижа” қаторида “1.6. Бошқа даромадлар” (060-қатор)дан “2.6. Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар” (140-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

“ж) бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар” қаторида “1.7. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар” (070-қатор) маълумотлари акс эттирилади.

Ушбу ҳисобот шакли ташкилотлар томонидан ҳисобот йили учун топшириладиган баланс билан бирга тақдим қилинади.

Бўйсунуш бўйича юқори турувчи ташкилотга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар ҳисобот берувчи ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади.

Бунда, ғазна ижросига ўтилган ташкилотларнинг тегишли молиявий ҳисоботлари, жумладан, харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот (2-шакл) ҳамда бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисоботлар ғазначилик бўлинмалари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

Олий таълим ташкилотлари молиявий ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли буйруқларига мувофиқ белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этадилар.

Олий таълим ташкилотлари юқори турувчи идораларга ҳисоботларни бўйсунушига қараб улар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари чораклик жамлама молиявий ҳисоботларни ҳисобот давридан кейин 25 кундан кечиктирмасдан, йиллик молиявий ҳисоботларни эса, ҳисобот йилидан кейин келадиган йилнинг 20 февралидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатилган муддатлар доирасида вазирлик ва идоралар томонидан чораклик ва йиллик жамлама молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг дифференцияланган муддатларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– зарур ҳолларда молиявий ҳисоботда келтирилган маълумотлар юзасидан тушунтиришлар талаб қилиш;

– бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари маълумотларини ҳамда уларнинг ҳужжатлар билан асосланганлигини, шунингдек тафтиш далолатномалари ва ташкилотнинг молия-хўжалик фаолиятини ўрганиш материалларини жойида кўриб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молиявий ҳисоботларда номувофиқликлар ва ноаниқликлар мавжуд бўлганда ўз эътироз ва таклифларини тегишли ташкилотларга улар қабул қилинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан хабар қилишлари мумкин.

Ташкилотларнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари молиявий ҳисобот маълумотларининг тўлиқлиги, тўғрилиги ҳамда ўз вақтида тақдим қилиниши юзасидан жавобгар бўлиб ҳисобланадилар.

Тадқиқот ишида бюджет ташкилотларининг молиявий назорат жараёнларига бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини қўллаш мақсадида «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» номли БҲМСни қўллаш тавсия этилган. Мазкур амалий тавсиянинг жорий этилиши натижасида мулклар, ҳисоб-китоблар ва моддий қийматликлар бўйича олий таълим тизимидаги бюджет ташкилотида йилига 12-14 фоиз маблағлар иқтисод қилинади.

3.3. Бюджетдан ташқари маблағлар ички назоратини ривожлантириш

Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш ҳисобига молиялашнинг янги манбаларидан фойдаланиш республикада иқтисодий ислохотларни ўтказиш даврида таълим молиявий базасини соғломлаштиришининг стратегик йўналиши ҳисобланади.

Таълим муассасаларига фойдаланиш учун давлат мулкининг бириктириб қўйилганлиги туфайли улар тўлиқ ажратилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятида қатнашишлари учун катта имкониятлар очиб беради ва бу энг таъсирчан усул ҳисобланади. Таълим муассасаларига бириктирилган моддий ресурслар негизида тадбиркорлик қилиш бюджетдан ташқари фаолиятнинг муҳим йўналишидир.

Олий таълим муассасаси ўзининг бюджетдан ташқари фаолияти натижасида олган маблағ (асосан, молиявий ресурслар)дан фойдаланишда айниқса кенг эркинликка эгадир. Бу фаолиятнинг самаралилиги таълим муассасалари фаолияти учун мутлақо янги бўлган молиявий бошқариш билан бевосита боғлиқдир³¹.

Ҳозирги пайтда молиялашни бюджетдан ташқари қўшимча манбаларини жалб қилиш бўйича олий таълим муассасаларининг фаолияти жуда тез тижорат тавсифига эга бўлмоқда. Тижорат фаолиятининг асосий мақсади ҳамон таълим муассасасини интеллектуал, таълимий, илмий, маданий ва ишлаб чиқариш имкониятини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида молиявий барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Демак, таълимни бошланғич тижорат билан уйғунлаштириш самарали шакллари топиш жиддий вазифа бўлиб қолмоқда³².

Давлат таълим дастурлари ва стандартлари доирасида таълим хизмати кўрсатиш, биринчи навбатда таълим муассасасига тўлов асосида қабул қилиш, мулкнинг турли шаклидаги корхона, ташкилотлар ва муассасалар билан шартнома асосида мутахассислар тайёрлаш олий мактабга молиявий

³¹ Саидов М.Х., Олий таълим муассасаларини молиялаш.Т.: -Молия, 2002 йил б.-14

³² Саидов М.Х., Олий таълим муассасаларини молиялаш.Т.: -Молия, 2002 йил б.-42

тушумлар келадиган муҳим манбалардир. Бу иқтисодий тавсифдаги қатор масалаларни, хусусан, унинг тўлов миқдори ва муддатига, сарф ҳажмини белгилаш ва қоплаш даражасини аниқлаш, пул маблағлари харажати рўйхати, шартномаларни юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштириш, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шартномага риоя этилмаганлик учун жавобгарлик чоралари, “тўловчи” ва “тўламовчи” талабалар ўртасидаги нисбатни ҳисобга олиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ.

Шартнома бўйича мутахассис тайёрлаш таълим муассасасининг корхоналар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг кўпгина эҳтимолий шаклларида бири ҳисобланади. Булар бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгармоқда, чунки бу икки тузилманинг ўзаро манфаати ва бир-бири учун зарур эканлиги юзага келмоқда ҳамда ошиб бормоқда. Ҳозирги пайтда таълимни ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш, кўп бўғин мутахассислари тайёрлашга ўтиш, таълим турли босқичини молиялашга янгича ёндашув ишлаб чиқилди. Булар мутахассислар тайёрлашни бюджетдан ташқари молиялашнинг умумий йўналишини аниқлаб берди ва у қуйидагича: касбий тайёргарлик қанчалик юқори бўлса, бунинг учун кўпроқ улушни бюджетдан ташқари молиялаш ўз зиммасига олиши керак.

Хусусан, олий таълим муассасасининг қўшимча бюджетдан ташқари молиялашни жалб этиш фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат таълим дастурлари ва стандартлари доирасидаги таълим хизмати (мулкнинг турли ҳуқуқий-ташкилий шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасалар билан шартнома бўйича мутахассислар тайёрлаш, контракт асосида чет эллик ўқувчиларни тайёрлаш);

- қўшимча таълим дастурлари, махсус курслари ва тайёрлов туркумлари; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг турли шакллари; тайёрлов курслари; консультация хизмати (давлат програмалари ва стандартлари доирасида);

- илмий-тадқиқот ва тажриба-ишлаб чиқариш хизмати;
- тадбиркорлик фаолияти (ижара, харидоргир жиҳозлар, товарларни сотиш, воситачилик хизмати, бошқа муассасалар фаолиятида ҳиссадор бўлиб қатнашиш, акциялар, облигациялар, бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш ва улардан даромад қилиш, фойда келтирувчи бошқа операциялар);
- ташқи иқтисодий фаолият (ишга алоқадор муносабатлар, биргаликдаги илмий фаолият);
- ноширлик фаолият;
- ахборот ва хўжалик фаолияти (кутубхонанинг нусха кўпайтириш, ўқитувчи-ходимлар, талабаларнинг турли хил хўжалик хизмати кўрсатиши; таълим муассасаси турар жой фондидан хизмат кўрсатиш);
- корхона, муассаса ва ташкилотларнинг хайрия бадаллари, шунингдек хайрия асосида чинакам молиявий ва моддий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳомийлик кенгашлари, битирувчилар уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотларининг хайрия жамғармалари.

Олий таълим ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоботи тегишли шаклда тузилади.

Бюджетдан ташқари фаолият асосий турларини қуйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин³³:

1. Таълим хизмати соҳаси:

- таълимнинг тўлов-контракт шакли;
- таълим муассасаларига киришга тайёргарлик;
- корхоналар билан шартномалар бўйича мутахассисларни тақсимлаш;
- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;
- иккинчи олий маълумотга эга бўлиш;
- турли бизнес-мактаблар ташкил этиш;
- чет тилларни жадал ўқитиш курсларини ташкил этиш;
- махсус сертификатлар олиш учун курсларда қўшимча таълим олиш

³³ Саидов М.Х., Олий таълим муассасаларини молиялаш.Т.: -Молия, 2002 йил б.-15-17

- жисмоний ва юридик шахслар учун пулли консултациялар ташкил этиш;

- пулли қисқа муддатли курслар ва семинарлар ташкил этиш.

2. Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти

- хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишлари;

- консалтинг ва маълумотнома-ахборотвий фаолияти;

- минтақаларда юқори аниқликдаги технологиялар билан боғлиқ жорий этишлик фаолияти;

- илмий жиҳозлар ва анжомлар лизингини ташкил этиш;

- давлат муассасалари, ҳудудий бошқарув идоралари ёки тижорат тузилмалари буюртмаси асосида фанлараро мужассама тадқиқотлар олиб бориш;

- кичик ва ўрта бизнесга илмий-техникавий кўмаклашиш;

- илмий-техникавий парклар ва янгиликларни жорий этиш инкубаторларини ташкил этиш;

- тижорат ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар билан якка тартибдаги шартномалар асосида илмий ишларни бажариш;

- таълим муассасаси олимларининг кашфиёт ва ихтироларига патент ва лицензиялар сотиш;

- тижорат фирмалари ва корхоналари билан биргаликда илмий-тадқиқот марказлари ҳамда лабораториялари ташкил этиш;

- чет эл инвесторлари билан қўшма корхоналар тузиш;

- пулли илмий-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этиш;

- таълим муассасаларининг таълим ва илмий-тадқиқот хизматлари рекламасини ташкил этиш;

- аудиторлик фаолиятини ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида таъқиқланмаган илмий-ишлаб чиқариш инновация фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланиш.

3. Ташқи иқтисодий фаолият:

–чет эллик талабалар, аспирантлар, магистрантлар, тажриба орттирувчилар таълимини ташкил этиш;

–чет эл олий таълим муассасалари билан биргаликда факультативлар ташкил қилиш;

–чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш;

–чет эл жамғармалари билан олий таълимни қўллаб-қувватлаш дастурларида қатнашиш;

–Ўзбекистон талабаларини чет элдаги таълим муассасаларига юбориш;

–турли хил чет эл инвестицияларини жалб этиш.

4. Тижорат фаолияти:

–дарсликлар, ўқув қўлланма ва илмий оммабоп адабиётлар нашр этиш;

–даврий нашрлар чиқариш;

–реклама фаолиятини ташкил этиш;

–бўш хоналарни ижарага бериш;

–хоналарнинг узоқ муддатли ижараси;

–конференциялар, семинарлар ва пулли машғулотлар ўтказиш учун конференция заллари, аудиторияларни ижарага бериш;

–талабалар, ходимлар ва аҳолига хизмат кўрсатиш;

–умумовқатланиш хизматини ташкил этиш;

–соғломлаштириш муассасаларининг даволаш ва соғломлаштириш хизмати;

–спорт мажмуалари ёки стадионлар спорт хизмати;

–маиший хизмат.

5. Ҳомийлик:

–ҳар қандай шаклдаги мулкга эга бўлган корхона, ташкилот ва фирмалардан ҳомийлик маблағларини жалб этиш;

–ускуналарни пулсиз бериш (аудио-видео, компьютер ташкил этиш техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ёзув қоғозлари ва ҳоказо);

–кутубхона жамғармасини тўлдириш (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, бадиий адабиёт ва ҳ.к.)

–хорижий инвестицияни жалб этиш (минибосмахона, автотранспорт, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ўқув адабиётлари).

Шундай қилиб, ҳозирги шароитларда давлат молиялаштириши билан бир қаторда бюджетдан ташқари маблағдан ҳам тўла равишда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мақсадларига мувофиқ олий таълим тизимини ривожлантиришнинг таъсирчан усули сифатида фойдаланилмоқда.

3- боб бўйича хулоса

Олий таълимда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан самарали фойдаланишнинг молиявий назорати олий таълим ташкилотлари харажатлари ижроси назоратининг ахборот базасини такомиллаштириш, олий таълимда бюджет маблағлари ички назоратини мукаммаллаштириш йўллари кидириб топиш, бюджетдан ташқари маблағлар ички назоратини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Магистрлик ишининг бу бобида бюджетдан ташқари фаолият асосий турларини тегишли йўналишлар бўйича таснифланган ва уларнинг таркибий қисмлари кўрсатиб берилган:

- Таълим хизмати соҳаси.
- Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти.
- Ташқи иқтисодий фаолият.
- Тижорат фаолияти.
- Хомийлик фаолияти.

Таълим тизимини ислоҳ қилишда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан қонунга биноан ва оқилона фойдаланиш бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг асосий шарти ҳисобланади. Тадқиқот ишида молиявий интизомдаги бузилишлар турлари бўйича гуруҳланган, уларнинг олдини олиш мақсадида субъектлар умумий фаолиятида қатнашиш даражасига кўра ички назорат субъектлари таснифланган.

Магистрлик ишида таълим тизимида молиявий назоратни оптималлаштириш мақсадида бош бухгалтер муовини - аудитор лавозимини ходимлар рўйхати бўйича мониторинг ва ички назорат бўлими таркибига киритиш зарурлиги илмий-амалий жиҳатдан асосланди.

Хулоса

1. Бюджет ташкилотларида харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилини такомиллаштириш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги **илмий хулосалар** олинди: Иқтисодиётнинг реал тармоқлари ва соҳалари талаб қилаётган сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашда ҳукукий-меъёрий негиз, жумладан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар Тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг қабул қилиниши салмоқли ҳисса қўшди.

Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги салмоқли қисмини ташкил этаётгани ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинганлиги, бу соҳадаги муҳим қадам бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган

дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон таълим тизимига кирувчи олий таълимда, ҳозирги кунда, жами олтмишдан ортиқ олий ўқув юртлари, шу жумладан, хорижий олий ўқув юртларининг 6 та филиалларида олий таълимнинг 165 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 447 та магистратура мутахассислиги бўйича давлат таълим стандартлари жорий этилиб, халқаро стандартлар асосида юксак малакали кадрлар тайёрланаётганлиги бу соҳада ҳисоб ва таҳлил тизимини ҳам унга мос ва хос ҳолатга келтириш зарурлигини, пировард натижада эса, бу долзарб мавзуда чуқур илмий-тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини кўрсатиб турибди.

3. Бюджет ташкилотларида харажатларини бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилини ташкил этишнинг ташкилий ва услубий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар саналади:

– Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда харажатлар ҳисобининг зарурияти, аҳамияти ва ташкил этишнинг хусусиятларини очиб бериш.

– Бюджет ташкилотларида харажатлар ҳисоби ва иқтисодий таҳлилининг ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболларини таҳлил қилиш.

– Таълим муассасаларида бюджет молиялаштириладиган смета харажатлари ижросининг дастлабки ва аналитик ҳисобини такомиллаштириш.

– Олий таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларининг ҳисоби.

– Олий таълим муассасаларининг ривожлантириш жамғармаси харажатлари ҳисоби.

– Олий таълимда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан самарали фойдаланишнинг молиявий таҳлили.

– Олий таълим ташкилотлари харажатлари ижроси таҳлилининг ахборот базасини такомиллаштириш.

– Олий таълимда бюджет маблағлари таҳлилинини мукаммаллаштириш йўллари.

– Бюджетдан ташқари маблағлар таҳлилинини ривожлантириш.

Диссертация ишида олий таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилинини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

- Таълим тизимидаги бюджет ташкилотлари харажатларининг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлили бўйича ватанимиз ва хорижда нашр этилган иқтисодий адабиётларнинг таҳлили натижасида илмий асосланган гуруҳлаштириш тартиби ишлаб чиқилди. Бу тавсиянинг иқтисодий самараси бухгалтерия ходимларининг меҳнати сарфи 10-15%га иқтисод қилишга эришилади;

- харажатларнинг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилинини бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартлари асосида ташкил этиш тамойилларини қўллаш ва уларга мос келувчи ҳисоб регистрларининг амалиётга жорий этилиши, уларни автоматлаштиришга имконият яратади ва қоғоз ва бўёқ иқтисоди 25-30%ни ташкил этади;

- Бюджет ташкилотлари фаолиятида қўллаш мақсадида харажатлар бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

- Бюджет ташкилотларида меҳнат, моддий ва молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш мақсадида харажатларни иқтисодий таҳлил қилиш услубияти ишлаб чиқилди. Хусусан, харажатларни омилли таҳлил қилиш, смета ижросининг смета, касса ва ҳақиқий ижросини қиёсий таҳлили усулларини жорий этиш тавсия этилди;

- Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишда харажатларнинг бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришни амалга ошириш бўйича амалдаги

“Банк-мижоз” тизими ўрнига комплекс “БЭМ” дастурини қўллашнинг афзалликлари, унинг банк, солиқ, ижтимоий суғурта, бандлик жамғармаси ва бошқа ташкилотлар билан комплекс алоқа ўрнатишга имкон бериши илмий асосланди, ундан фойдаланиш алгоритми бўйича таклифлар берилди.

- Шунини таъкидлаш лозимки, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги таълим ташкилотларида қўлланилаётган «Ўзасбу» дастури ғазначилик шароитларига мослаштирилган ва унга бевосита уланган ҳолда фаолият олиб боради.

Бу дастур бўйича олий таълим тизимида иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, материаллар, жиҳозлар ҳисоби, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритиш имконияти мавжуд. Бу дастурни олий таълимдан ташқари касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда қўллаш ижобий самаралар беради деб ўйлаймиз.

- Тадқиқот ишида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан самарали фойдаланишнинг молиявий назорати масалаларига эътибор қаратилган бўлиб, унда ички назоратни ташкил этиш, унда ички аудит хизматини амалга ошириш, унинг родини ошириш, унга алоҳида мустақил статус бериш тавсияси берилган. Бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланишда бюджет ташкилотларининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида уни ғазначиликдан алоҳида қилиш таклифини берамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2007.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорати тўғрисида”ги Қонуни.- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 24-декабрда қабул қилинган.-Т.:НАБА, 2004.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 йил 26 май. -Т.:НАБА, 2004.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”.–Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
9. Каримов И.А. “Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим”. “Халқ сўзи”, 2006 йил 13 феврал.

8. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

10. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.-Т.: «Халқ сўзи», 2014 йил 18 январь, № 13(5943)

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 июлдаги 310-сонли “Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли “Таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

II. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1999 йил 11 февралдаги 66-сонли Қарори.

5. “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 август 2001 йил 343-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябр-даги 215 - сон қарори билан тасдиқланган “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом -Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42 (230)-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2011 йил 14 январдаги 2182-сонли Қўшма қарори.

8. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 502-модда).

9. “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 июндаги 172-сонли Қарори.

IV. Асосий адабиётлар

18. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.

10. Остонакулов М. Бюджет ташкилотларида янги бухгалтерия ҳисоби. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
11. Одилов Э.Т. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда молиявий назоратни такомиллаштириш (монография). Т.:ЎзФА “ФАН”, 2005, 99 б.
12. Маликов Т. С., Олимжонов О. О. Молиявий менежмент – 1999.
13. Тулаходжаева М.М. Система финансового контроля в Республике Узбекистан. Т.: Мир экономики и права, 1998.

V. Қўшимча адабиётлар

14. Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун автореферат. Т., Банк-молия академияси. 2004.
15. Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун автореферат. Т., Банк-молия академияси. 2006.
16. Жўраев Б.А. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджетининг роли. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун автореферат. Т., Банк-молия академияси. 2001.
17. Ғаниев Ш.В. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., Банк-молия академияси. Т.: 2008
18. Одилов Э.Т. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2012

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

3. “Халқ сўзи” газетаси. 2009-2014 йй. сонлари
4. “Иқтисодиёт ва таълим” журнали. 2009-2014 йй.

5. “Экономическое обозрение” журнали. 2009-2014 йй. сонлари
6. Статистическое обозрение Узбекистана. Т.: 2013

VIII. Интернет сайтлари

19. www.mf.uz
20. www.finansexpress.uz
21. <http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board)
22. <http://www.press-service.uz/>
23. www.uza.uz-
24. www.gov.uz
25. www.press-service.uz
26. www.mfer.uz
27. www.review.uz
28. www.cer.uz